БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 21 декабрь Жума

№ 244 (13.680).

Баҳоси 3 тийин.

•ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ•

ССЖИ халқ депутатларининг IV съездида

ИТТИФОҚ ИТТИФОҚҚА МУҲТОЖ

Съезд белгиланган маромда ишламоқда. 19 декабрь куни эрталабки мажлис **А. И. Лукьянов** раислигида ана шу фикрни тасдиқлаш билан очилди. Анъанага кўра котибият ахборот берди, котибият раҳбариятининг муовини **В. А. Крючков** сўзга чиқди. У ССЖИ Президенти маърузасини муҳокама қилишда қатнашиш учун 443 халқ депутати сўзга чиқишга ёзилганини, улардан икки кун ичида 36 депутат нутқ сўзлаганини маълум қилди.

Котибият вакили Н. И. Рижков, Э. А. Шеварднадзе, В. А. Крючков ўртоқлар халқ депутатларининг хоҳишларига мувофиқ съездда сўзга чиқишни илтимос қилганликларини ҳам айтди.

Съезд номига кўплаб хатлар ва телеграммалар келиб турибди. Бу хат-хабарлар ўз мазмуни ва руҳи, айтилаётган фикрларнинг ўткирлигига кўра шу қадар жиддийки, котибиятнинг фикрига қараганда, ССЖИ Олий Кенгашининг Раёсати съезддан сўнг уларни чуқур таҳлил этиши ва зарур хулосалар чиқариши керак бўлур эди.

Котибият мамлакат раҳбариятини юзага келган вазиятни ҳисобга олиб, Молдова ССЖдан келган барча халқ депутатлари билан яна бир марта учрашиши ва муаммони тўлатўкис муҳокама қилиши, ўзаро мақбул ечимни топиши керак бўлур эди, деб ҳисоблайди.

Эрталабки мажлисда ССЖИ Президентининг маърузаси юзасидан музокараларда **С. А. Ниёзов** биринчи бўлиб сўзга чиқди. Янги Иттифоқ шартномаси бўлажак миллий-давлат қурилишида, минтақаларнинг ижтимоий ривожланишида муҳим аҳамият касб этиши керак, деди нотиқ. Туркманистон янгиланган федерацияга киришини тасдиқлайди.

Бизнинг митинглар қилишга, бир-биримизни айблаш ва бир-биримизга қуруқ ваъдалар беришга вақтимиз ҳам, ҳуқуқимиз ҳам йўқ, деб таъкидлади «Амалий ҳамжиҳатлик учун» гуруҳи номидан сўзга чиққан **А. Н. Крайко.**

Марказда ижроия ҳокимиятини кучайтириш зарур, деб таъкидлади нотиқ. Фақат Иттифоққа, қайта қуришга ва унинг раҳбаригагина қарз беришади. Бугунги кунда бирорта сиёсий куч ёлғиз ўзи ишонч қозонган эмас.

Шундан кейин депутатлар **В. П. Фокин, Н. Э. Тернюк, Б. Н. Ельцин, А. П. Яненко** ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Кечки мажлисда ССЖИ Президенти **М. С. Горбачевга** сўз берилди.


Шундан сўнг мамлакатдаги аҳвол ҳамда вужудга келган танг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятни бартараф этиш тадбирлари тўғрисидаги масала юзасидан қарор лойиҳаси устида таҳрир комиссияси олиб бораётган иш ҳақида шу комиссия раиси **Н. А. Назарбоев** ахборот берди.


Делегатлар ССЖИ Олий Кенгаши Миллатлар Кенгашининг Раиси **Р. Н. Нишоновнинг** «Янги Иттифоқ шартномасининг умумий концепцияси ва уни тузиш тартиби ҳақида»ги маърузасини тингладилар.

Депутатлар мажлиснинг сўнгги қисмини, одатдагидек, турли масалалар юзасидан фикр алмашишга бағишладилар.

20 декабрь куни съездда янги Иттифоқ шартномасининг умумий концепцияси ва уни тузиш тартиби тўғрисидаги маъруза юзасидан мунозара бошлашга қарор қилинди.

(ТАСС мухбири).





СУРАТЛАРДА: Москва. Кремль. Съездлар саройи. Бу ерда ССЖИ халқ депутатларининг IV съезди ўз ишини давом эттирмоқда. ССЖИ халқ депутати, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномаларининг бош муҳаррири Аҳмаджон Мухторов ўзбек халқини ташвишга солаётган муаммолар хусусида сўз олиш истагида.

Съездлар саройидан лавҳа.

ЎзТАГ суратлари.

Ўзбекистон ССЖ Президенти депутат И. А. КАРИМОВ нутқи

(Шаҳрисабз ҳудудий сайлов округи, Қашқадарё вилояти)

Ҳурматли депутат ўртоқлар! Съездимиз янги йил арафасида ўтмоқда. Совет кишилари ўз орзу-умидларинигина эмас, шу билан бирга жиддий хавотирлик ва ташвишларини одатдан ташқари ана шу йил билан боғламоқдалар. Ҳа, мамлакат ғоят хатарли маррага келиб қолди. Ундан нарида бошбошдоқлик, инқироз, миллатлараро мухолифликлар, фуқаролар уруши кўланкаси яққол кўриниб турибди. Буни бугунги кунда ҳамма бўлмасада, кўпчилик англамоқда. Бугунги кунда ҳамма фуқаролар тотувлигини, миллий иноқликни, сиёсий ва иқтисодий барқарорликни, қатъий тартиб ва интизом йўлга қўйилишини, ҳар бир киши ўз ҳаётидан, фарзандлари ва ёр-биродарларининг ҳаётидан хавфсирамай яшаши ва меҳнат қилиши учун хавфсизлик кафолатлари берилишини талаб қилмоқда. Айни шунинг учун ҳам ҳозир ҳокимият тўғрисидаги, уни мустаҳкамлаш ҳақидаги масала ўртага қўйилаётганлиги тушунарлидир. Мамлакатимиз учун «Қаттиққўл»ни эмас балки мустаҳкам давлат тузилмаларини, қатъий мавқеларни, режалаштирилган мақсадни ижро этишда қатъийлик ва изчилликни излаш зарур.

М. С. Горбачевнинг маърузасида вужудга келган аҳволдан чиқишнинг аниқ-равшан йўлларн кўрсатиб берилган. Биз Президент дастурини қўллаб-қувватлар эканмиз, унинг ўзини ҳам қўллаб-қувватлаймиз, чунки шу нарса равшанки, мамлакатда вужудга келган вазиятда биз уни бугунги кунда, сиёсий ва иқтисодий тангликдан чиқишнинг машаққатли изланишлари даврида қаёққа, кимлар билан, қай тарзда бориш, нима қилиш кераклигини бошқалардан кўра яхшироқ биладиган раҳбар, деб биламиз. Бундай вазиятда раҳбарни ўзгартиришни, ўртоқлар мен ўзимизнинг устимиздан чиқарилган ҳукмни имзолаш билан баравар деб ҳисоблайман. Агар Михаил Сергеевич ўз атрофидаги кишиларни ўзгартирса, ҳозирги пайтда вужудга келган вазиятда нималарнидир ўзгартириш мумкинлиги ўз-ўзидан равшан бўлиши керак.

Бизда бошқа масала ҳам бор. Кейинги йилларда қанчадан-қанча турли қонунлар, фармонлар, қарорлар қабул қилмадик. Уларнинг ҳар бири вазиятни тубдан ўзгартириши, яхшилаши мумкин бўлган муҳим тадбир деб кўрсатилмоқда. Бироқ вазият нима учундир яхшиланмаяпти, балки кун сайин ёмонлашмоқда. Кўп нарса бизнингча ҳаракатларимизнинг шунчаки келишиб олинмаганлиги ва изчил эмаслиги сабабли содир бўлмоқда. Бундан бир йил илгари биз бир нарса тўғрисида гапирган бўлсак, энди эса хаёлимизда мутлақо бошқа нарса. Яқиндагина мустақиллик ва ўзини ўзи бошқаришни зўр бериб мақтаган бўлсак, бугун эса «мустақиллик намойиши» тўғрисидаги истеҳзоли фикрлар билдирилмоқда ва айтиш мумкинки, мамлакат бошидан кечираётган барча кулфатларнинг боиси жумҳуриятлар деб кўрсатишга уринишлар бўлмоқда. Яқиндагина ошкоралик тўғрисида тўлиб-тошиб гапирган бўлсак, бугун ниҳоят демократиянинг «ширин меваси»ни кўпайтириб юбориш қанчалик тартибсизликлар ва низоларга сабаб бўлишини англаяпмиз. Доимо изчил бўлиш учун, бизнингча, бўлажак янгиланган ва янгидан ташкил этиладиган тузулмаларнинг жумҳурият ва минтақа ташкилотлари билан ўзаро муносабатлари қоидаларини аниқлаб олишимиз керак. Ўз-ўзидан равшанки, мана шу барча масалалар Иттифоқ шартномасининг лойиҳасида ўз аксини бериши лозим.

Биз, ўртоқлар, Иттифоқ шартномаси, федерация тарафдоримиз. Жумҳуриятнинг қатъий мавқеи ана шундай. Бироқ шартнома лойиҳасининг «юқоридан пастга» қараб ишлаб чиқилиши усулининг ўзи, яъни лойиҳа тузувчиларнинг ғоят муҳим масала хусусида тутган йўли, афсуски, биз учун мақбул эмас. Бизнингча марказ жумҳуриятларнинг ҳуқуқларини белгиламаслиги ва уларнинг ваколатларини кенгайтирмаслиги, балки, аксинча, Иттифоқ қандай бўлишини, ҳокимият тузилмаси қандай бўлишини ва марказ қандай ваколатларга эга бўлишини жумҳуриятлар биргаликда ҳал этиши керак. Мана шу муҳим масалада бизнинг фикримиз Қозоғистоннинг фикри билан бир хилдир.

Баъзиларнинг пухта ўйланмаган қарорлари бошқаларни оғир, кўпинча эса иложсиз аҳволга солиб қўймаслиги учун марказ билан жумҳуриятларнинг ваколатларини бундай белгилаб қўйиш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Масалан, чорва харид нархларини ошириш тўғрисидаги Иттифоқ ҳукуматининг ҳозирдаёқ кучга киритилган қарорини бажара бориб, жумҳуриятимизнинг ўзидагина 1991 йилда 2300 миллион сўм маблағни қидириб топишимиз керак. Агар келгуси йилда жумҳурият бюджетининг камомади 10 миллиард сўмдан кўпроқни ташкил этадиган бўлса, бу пулларни қаердан олиш мумкин? Биз бундай маблағларни топа олмаймиз. 1991 йилнинг 1 январидан гўшт ва сут маҳсулотларининг чакана нархлари 2,5-3 баравар ошади. Жумҳуриятда гўшт истеъмол қилиш даражаси йилига ҳар бир кишига 30 килограммдан ошмаётган, айрим минтақаларда эса бундан ҳам камроқ бўлган пайтда шундай қилинмоқда. Одамларнинг норозилигини ва ғалаёнини қандай қилиб тўхтатиб туриш, унинг олдини олиш, буларнинг ҳаммасини қандай қилиб тушунтириб бериш мумкин? Халқ истеъмоли моллари кўпгина турларининг нархи ҳаддан зиёд ошиб кетди. Нарх-наво ошишининг ўрнини қоплашнинг ваъда қилинган воситаси қани, биз биринчи навбатда кам таъминланган аҳолига мадад бериш учун маблағларни қаердан топамиз? Ҳозирча бунга жавоб йўқ.

Шусиз ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишнинг оғир аҳволи янада мушкуллашаётган бир пайтда нарх-наво жадал ўсиб бораётганидан ғазабланган аҳоли биринчи галда кимларни айблайди, деган савол хусусида ўйлаб кўрайлик, ўртоқлар. Жойларда мана шуларнинг ҳаммаси учун жавоб берадиган кишиларни, бизларни айблайди, албатта. Бу борада биз алданмаймиз, ўз истиқболимизни яхши кўриб турибмиз. Яна бунда жумҳуриятлар фақат ўзларига умид боғлашларига тўғри келади.

Ҳозирги кунда биз ҳаммамиз бундай яшаб бўлмайди, демоқдамиз. Аммо ҳар бир минтақа буни ўзича, ўзининг ҳал этилмаган масалалари, ўз ташвишлари нуқтаи назаридан тушунади. Баъзан хабардор бўлмаган одамга қувончимиз ва фахримиз бўлган пахта бизнинг қайғумизга айланганини, деҳқонларимиз эрта тонгдан қош қорайгунча ишлаб, арзимаган ҳақ олганликлари ва олаётганликларини изоҳлаш қанчалик қийинлигига мен ўзимнинг шахсий тажрибамда ишонч ҳосил қилдим. Сув заҳарланмоқда, Орол қуримоқда. Буларнинг ҳаммаси ҳозирнинг ўзидаёқ миллатнинг ирсиятига таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам бизда болалар орасида ўлим ва аёлларнинг касалликка чалиниши мамлакатда энг юқори даражалардан бирида турибди, пенсиялар эса Иттифоқдан энг паст даражададир.

Дарҳақиқат, одамлар ҳозир бундай яшай олмайдилар ва бундай яшашни истамайдилар. Эндиликда улар сира илгариги одамлар эмас. Миллий ўзлигини англаш, сиёсий фаоллик уйғонди. Сайловчилар, меҳнат жамоалари, депутатлар билан учрашар экансан, эндиликда бундай саволларга жавоб бериш мушкул бўлиб қолди. Биз нефть ва газ қазиб чиқармоқдамиз, нима учун қишлоқларимизнинг 80 фоизи газлаштирилмаган? Нима учун сифатли ичимлик суви йўқ? Нима учун Ўзбекистон аҳолисининг 9 миллион нафари қашшоқ яшамоқда, бозорга ўтиладиган бўлса, уларнинг ҳоли не кечади? Менга ишонаверинг, бу ҳали унчалик мушкул саволлар эмас. Нима учун Ўзбекистонда озиқ-овқат истеъмол қилиш даражаси мамлакатдаги энг паст даражалардан бири бўлиб қолмоқда? Бу саволга нима деб жавоб бериш керак? Агар биз, раҳбарлар ана шу саволларга жавоб бермасак, ким жавоб беради? Ахир, биз халқни боши берк кўчадан олиб чиқмоқчимиз-ку. Биз миллатидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг хавфсизлиги ва муносиб турмуши учун кафолатларни таъминламоқчимиз-ку. Ўртоқлар, мени тўғри тушунинг, биз ўз муаммоларимизни бошқаларнинг зиммасига ортмоқчи эмасмиз. Жумҳуриятда содир бўлаётган барча воқеалар учун масъулиятни биз ўз зиммамизга оламиз.

Фурсат тиғиз бўлгани учун ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш юзасидан дастурий сиёсатни батафсил баён этишнинг имкони йўқ. Депутат ўртоқлар, мен жумҳуриятда ўтказилаётган сиёсатнинг фақат принципиал жиҳатлари хусусидагина тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан. Шунга ишончимиз комилки, сиёсий ва иқтисодий соҳаларда ислоҳотлар ўтказиш учун интизом ва тартиб биринчи галда зарур бўлади. Биз бу йўлни собитқадамлик билан амалга оширмоқдамиз, бошқарув «жилови»ни қўлдан чиқармаяпмиз ва қўлдан чиқармоқчи ҳам эмасмиз. Чунки шунга аминмизки, ушбу жиловни қайтариб олиш кейин қийин бўлади ёки бунинг иложи бўлмай қолади. Кейинчалик тиклаш қийин бўлган бебаҳо қадриятларни сақлаб қолиш муҳимдир. Булар орасида ҳокимиятга ҳурмат ва армияга ҳурмат ҳам бор.

Иккинчидан. Биз учун жуда муҳим бўлган қоида бор: ижтимоий адолатни ҳимоя қилиш учун нимаики қилиш мумкин бўлса, одамларнинг жуда шошилинч, жуда муҳим талабларини қондириш учун бугуннинг ўзидаёқ нимаики қилиш мумкин бўлса, уларни биз ўз имкониятларимиз ва ваколатимиз доирасида ҳал этмоқдамиз. Бу борада нима ишлар қилинди? Аҳолига ҳозирнинг ўзидаёқ Ўрта Осиёда жуда қимматли бўлган суғориладиган ерлардан 170 минг гектарини томорқа учун ажратиб бердик. Бу ерларга илгари пахта экилган эди. Маҳаллий аҳоли учун бунинг нечоғли аҳамиятга молик эканини фақат Ўзбекистонда яшаган кишигина тушуниши мумкин. Айни вақтда, аҳолига чорва озуқаси ажратиш ва унинг ихтиёридаги чорва сонини кескин кўпайтириш тўғрисидаги масалани ҳал этмоқдамиз. Пахта яккаҳокимлиги анчагина салбий оқибатларга олиб келган эди, эндиликда шундай яккаҳокимликка барҳам бериш тўғрисидаги масала асосан ҳал бўлди. Бошланғич синфларда ўқиётган болалар учун бепул нотушталар, бетоб оналарга ёрдам, пенсионерларга, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва Афғонистондаги уруш қатнашчиларига, мактаб ўқувчиларига, студентлар, кўп болали оналарга имтиёзлар берилди, ёрдам кўрсатилди, хуллас сўнгги йилда бу борада кўпгина ишлар қилинди. Корхоналарга катта ҳуқуқлар бериш, хусусий мулкчилик амал қилиши доирасини кенгайтириш борасида ҳам дастлабки қадамлар қўйилди, фермер ва деҳқон хўжаликларининг иши кўзга чалиниб қолди.

Учинчидан. Жумҳуриятдаги ҳар бир фуқаронинг кўнглига йўл топиб битта шарт қўймоқчимиз: зиммамизда турган барча вазифаларни, Ўзбекистоннинг барча муаммоларини тинчлик ва миллий тотувлик бўлгандагина, барча миллатлар ва элатлар вакиллари бир-бирини ҳурмат қилиб, муроса қилгандагина ҳал этиш мумкин.

Тўртинчиси, айтиш мумкинки, энг муҳим гап. Принципиал негизда барча соғлом кучларнинг жипслашувига эришмоқдамиз.

Бешинчидан. Жумҳуриятда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг обрўси баланд. Одамлар партияга ишонмоқдалар ва унга эргашмоқдалар. Ҳа, худди шундай бўляпти.

Тилга олинган тадбирлар шарофати билан жумҳуриятда умуман мамлакатга хос бўлган иқтисодий таназзулни четлаб ўтишга муваффақ бўлинди ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсишига эришилди. Афсуски, бу ҳақда гапирувчилар кам. Кўпроқ салбий ҳодисалар ҳақида сўзлашга ҳаракат қилинмоқда. Қаламини ножўя тебратаётган айрим кимсалар бор, уларга «жўр овоз» бўлаётган кимсалар ҳам бор, худди ана шулар биргаликда бизни миллатчиликда, айирмачиликда ва «ҳоказоларда» айбламоқдалар. Кимларгадир жумҳуриятдаги ишлар маъқул эмас. Буни қарангки, мазкур ишлар кимдир ясаб чиққан қолипга сиғмаётган эмиш. Ҳа, Фарғона, Қўқон, Паркент, Наманганда ўша маълум воқеалар содир бўлди. Лекин бу воқеаларда халқнинг айби йўқ. Ҳурматли ўртоқлар, менга бемалол ишонаверинг, шундай қадимий маърифат ва маданият соҳиби, инсонпарварлик ва одамийликнинг буюк анъаналари соҳиби бўлган халқ, уруш йилларида бутун мамлакатдан келган юз минглаб болаларга иссиқ бағрини тутган халқ сира-сира «миллатчи» ва «айирмачи» бўлолмайди.

Маърузада Ўзбекистондаги ишларнинг аҳволига ана шу нуқтаи назардан баҳо берилишига мен мутлақо қўшила олмайман. Биз бутун миллатга туҳмат қилаётган, ғирт ёлғонни ямламай ютаётган кимсаларни жавобгарликка тортишни талаб қиламиз. Гоҳо Тошкентда жаҳонда энг катта масжид қуриш ҳақида гўё жумҳурият ҳукумати қарор қабул қилган, гоҳида эса бизнинг кўҳна Бухоро шаҳримизда гўё фоҳишабозликка рухсат берилган, деб ёзмоқдалар. Ана шу ёлғон-яшиқ гаплар марказий газеталарда кетма-кет ёзилмоқда. Айбдорларни эса топиша олмаяпти ёки топишни исташмаяпти, чоғи. Демак, бу кимгадир зарур-да.

Неча тўртинчи съезд бошланган куни эрталабдан бошлаб Марказий телевидение Ўзбекистон ҳуддидаги уюшган жиноятчилик тўғрисидаги 4 серияли фильмни кўрсата бошлади. Худди шунингдек, халқ депутатларининг бундан илгариги учинчи съезди иш бошлаган биринчи куни Ўзбекистондаги пинҳона иқтисодиёт тўғрисидаги 6 серияли фильм намойиш этила бошлаган эди. Бу нимадан далолат бермоқда ва бу кимга керак? Наҳотки, мафия фақат Ўзбекистонда иш кўраётган бўлса **(Қарсаклар).**

Ҳа, ўртоқлар, бутун мамлакатда бўлганидек, бугун бизга ҳам сира осон тутиб бўлмайди. Нима қилиш керак? Чет элдан келаётган совғаларга кўз тикмасдан, бир-биримизга ёрдам бериш учун жипслашишимиз керак. Ҳозирги вазиятдан чиқишнинг йўли ана шунда. Ушбу съездимизда халқимизга аниқ-равшан мақсадни айтишимиз лозим. Шунга ишончим комилки, маънавий ва ахлоқий камолотсиз, барчамизни бирлаштириши лозим бўлган ишлар ва мақсадларсиз мамлакат тангликдан чиқа олмайди. Мамлакатимиз учун ифтихор туйғусини тиклашимиз, ўзимизга ва бир-биримизга ҳурмат-эҳтиром туйғусини тиклашимиз зарур. Фарзандларимизга муносиб ҳаётни армуғон этайлик, уларга абадий ҳақиқатларга ишончни, дўстлик ва ўзаро ҳурмат ғояларига ишончни бахш этайлик. Шу эзгу ният йўлида яшаса ва меҳнат қилса арзийди, ўртоқлар **(Қарсаклар).**

Шу сонга хабар

Оналик ва болаликка эътибор

Тошкентда акушер-гинекологларнинг III жумҳурият съезди ўз ишини тугаллади. Съезд ишида Москва ва Ленинграддан, мамлакатимизнинг кўпгина жумҳуриятларидан келган олимлар ва мутахассислар иштирок этишди, зеро оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муаммолари, бу ўта муҳим тиббий хизматни тубдан қайта қуриш вазифалари Ўзбекистон доираси билан чегараланиб қолмайди.

Съезд иштирокчилари уч кун мобайнида оналар ва болаларга даволаш-профилактика ёрдами беришни такомиллаштириш, уларни малакали тиббий хизмат билан таъминлаш масалаларини муҳокама қилдилар.

Съезд акушерлар-гинекологлар жумҳурият жамияти бошқарувининг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботини муҳокама қилди. Унинг янги раҳбар органлари сайланди.

ЎзТАГ ва ўз мухбирларимиздан

«Талаба» Москвага боради

Фарғона вилоятидаги Ёзёвон қишлоқ хўжалик техникумида ташкил этилган «Талаба» бадиий ташвиқот бригадаси Москвага бориш йўлланмасини қўлга киритди. Жамоа халқ ижодиёти III Бутуниттифоқ фестивали беллашувининг якуниловчи босқичида иштирок этиш ҳуқуқига сазовор бўлди.

Олий маълумотли мутахассис Зокир Жўраев ташкилотчилик ишларида катта тажриба орттирган. Илгари у қўшни Тошлоқ ноҳиясида шунга ўхшаш жамоа ташкил этган, бу жамоа бутун жумҳуриятга танилган эди.

Бугунги ёшлар олдида турган муаммолар, турмушимиздаги хилма-хил камчиликлар, бизни ҳозир қаяжон ва ташвишга солаётган барча нарсалар «Талаба»нинг чиқишлари учун мавзу бўлди. Навоий шаҳрида ўтказилган «Қизиқчи-90» жумҳурият конкурсида «Талаба» биринчи ўринни эгаллади.

Яқинда ташвиқот бригадаси ҳаётида қувончли воқеа юз берди. У «Халқ жамоаси» фахрли унвонига сазовор бўлди.

Б. МАНСУРОВ.

Холис ниятли йигитлар

Шаҳрисабз шаҳрида «Байналмилал жангчи»лар уюшмаси тузилганига анча бўлди. Бу орада собиқ «афғон»лар амалга оширган хайрли ишларнинг қайси бирини санайлик. Жумладан, «Ёшлик» клуби аъзолари. Байналмилал жангчи ва уруш фахрийларига қурилиш материалларн етказиб беришда ёрдам беришади. Клуб ихтиёрида алоҳида автоколонна бор. Қизиғи шундаки, бу ердаги машиналарнинг ҳаммаси аллақачон ўз умрини ўтаб бўлган, рўйхатдан ўчирилган. Лекин йигитлар раҳбарларни ҳам тинч қўйишмади. Охири машиналар «оёққа турди».

Шаҳарларда одамлар тез ўзгаради. Кўча-кўйда ичиб юриш, қизларга тегиҗоғлик қилиш, каби турмушимизга ёт бўлган ҳоллар кундан-кунга кўпроқ содир бўляпти. Жамоат тартибини сақлашда «афғон»лар ёрдамга келишди. Шаҳрисабздаги спорт тўгаракларн, маданий-маиший шохобчаларда ҳам уларнинг «ўз одамлари» бор. Шу сабабли бу йигитлар маҳкамалар эшикларида кўпам сарғайиб юришмайди. Шу йилнинг ўзида клуб аъзоларидан 17 нафари ер участкаси, 10 нафари телефонли, яна бир киши эса енгил автомашинали бўлишди.

Яқинда «афғон»лар «Кеш» меҳмонхонаси қошида янги видеосалон очишди. Мақсад чўнтакни қаппайтириш эмас, албатта. Клуб иқтисодини тиклаш. Ҳали амалга оширилмаган ниятлар кўп...

П. СИЛИН,
«Афғонистон фахрийлари уюшмаси» мухбири.

Ошкора фикр



Юрак нидоси

ҲОЗИРГИ кунда шу лавозимни эгаллаб ўтириб, лавозим орқасидан муайян имтиёзлардан фойдаланиб, шундай бир юқори погонадаги қўмитанинг масъул раҳбарларидан бири сифатида халқ орасида сўзлаётибман, лекин бир нарсага тобора кўпроқ иқрор бўляпман: менинг сўзларим, фикрларим, таклифларим тобора ўз қадрини йўқотиб бормоқда; атрофимдаги кишилар кун сайин кўпроқ менинг таклифларимга «ёш боланинг навбатдаги инжиқликларига» қандай қараша, шундай қарашаётганга ўхшайди. Шунинг учун ҳам улар бу нарсаларга унчаям эътибор беришмайди. Ёки бу масаланинг ҳал қилинишига бизнинг аралашишимизга ҳожат йўқлигини, ё бўлмаса масалага бундай ёндашиш умуман нотўғрилигини ўзларича тушунтирмоқчи бўлишади ва буни шундай бир оҳангда айтишадики, сен эътироз билдириб баҳслашиш, тўғрилигингни асослаш, аниқ ишларга шундай ёндашилсагина ҳар бир қадамда топталаётган инсонлар учун қайғура олишимизни исботлашга уринишингни аҳмоқлик эканини тушунишинг қийин бўлмай қолади. Улар сени тортишишга номуносиб эмас, деб билишади. Чунки сен аёлсан.

Жамиятда ёвузликни эзгулик, деб кўкларга кўтаришса, адолат оёқ ости бўлса-ю, замонанинг эрлари бунга индамай туравериша, қандай юрак билан аёл бунга бепарво қараб тура олади? Қандай қилиб, у ҳар қадамида халқ таланган вақтлар ичида кузатилаётган парокандаликни, бошбошдоқликни, худбинликни, қўрқоқликни, иродасизликни кўриб туриб, «бугун Сиз ўз тинчингизни, амалингизни, имтиёзингизни ўйлаяпсиз, ўзидан кечиб адолатни юзага чиқармоқчи бўлганни яккалаяпсиз ва шу ҳаракатингиз билан ўз фарзандларингизга, набираларингизга нисбатан хиёнат қиляпсиз, уларни бировнинг қўлига қул қилиб ташлаб кетмоқчимисиз», — дейишдан ўзини тия олади.

Пайғамбаримиз Ҳазрати Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва салом ҳадисларида шундай дейилади: «Мунофиқликнинг уч белгиси бордир: ёлғон сўзлаш, ваъдасининг устидан чиқмаслик ва омонатга хиёнат қилиш». Қаранги, шу белгиларнинг учови ҳам бизнинг жамиятимиз ҳаётида мужассам: ҳар қадамда оқни қора деймиз, қорани оқ деймиз; борни йўқ деймиз, йўқни бор деймиз; оддий халқнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, хаёлида жаннатга олиб бориб қўямиз-у, ҳақиқатда эса «сиқиб сувини ичамиз», миллий, моддий ва маънавий бойликларимиз, қадриятларимизнинг бизга омонат эканлигини, уларни авайлаб-асраб келажак авлодга — фарзандларимизга, набираларимизга етказишимиз кераклигини кўпчилигимиз унутаётибмиз, омонатга хиёнат қилиб, талон-тарож қилишларига, топташларига йўл қўйиб бераяпмиз.

Мен топтаётганим йўқ дерсиз. Аммо сиз томошабинсиз, бефарқсиз, лоқайдсиз, худбинсиз, чунки тинчингизни кўзлайсиз, кимнингдир кўзига ёмон кўриниб қолишдан қўрқасиз. Бир овоздан якдиллик билан олий зотларга ёмон кўринишдан чўчиб, мўмин-қобил бўлиб ўтирадиганлар ичида «олақарға» бўлишни хоҳламайсиз, каттаю-кичик қўғирчоқ амалдорлар олдида обрўйингиз тушиб кетишидан чўчийсиз.

Сиз куймасангиз, мен куймасам, ким куяди, ахир бу адолатни деб!!

Наҳотки, ээла-ээла «ҳукуматимизга, фирқамизга минг раҳмат»дан ўзга калима келтиришни ҳам билмайдиган, барчанинг кўзи ярқ этиб очилаётган бугунги кунда ҳам итоаткорлик билан, тобеликка нисбатан тушунча бўлмайдиган даражадаги содиқлик билан ташаккурлар билдираётган халқимизни кўриб-билиб туриб, тўғриликнинг поймол бўлишига хотиржам қараб туриб, бу хиёнатдан бошқа нарса эмаслигини тушунмасангиз.

Фақатгина сўзда ҳақиқатгўй бўлмай, амалда ҳам ростгўйлигингизни исботланг, жамиятдаги адолат инсонлар ҳаётидаги адолатдан бошланади, ахир. Мавҳум ҳақиқат учун эмас, муайян ҳақиқат учун ўзингиздан кечинг. «Давлатнинг қадр-қиммати шахслар қадр-қимматига боғлиқ», — деган эди Жон Стюарт. Давлат раҳбарлари буюрган ишни, у хоҳ тўғри, хоҳ нотўғри бўлсин, тўла-тўкис бажарганимиз, тасдиқлайверганимиз билан қадр-қимматимиз кўтарилмайди. Бундай қадр-қиммат, обрў топиш саробдан бошқа нарса эмас.

Сиз «Менинг ҳаракатим билан бир нарса ўзгармайди!» — дея эътироз билдиришингиз мумкин. Тўғри, ёлғиз отнинг чанги чиқмайди. Аммо барчамиз биргаликда ҳаракат қилсак, худо хоҳласа, бугун бўлмаса, эртага бирор нарса ўзгарар. Токи, биз бир-биримизни қўллашни, иттифоқ бўлиб ҳаракат қилишни, эрта ва индинни назарда тутиб, тадбир қўллаш лозимлигини тушуниб етмас эканмиз, «мен халқ вакили»ман деб керилиб ўтиришдан фойда йўқ. Халқ бир кунмас бир кун (ахир умрбод алдаш мумкин эмас) бундай вакилларнинг, бундай ҳукуматнинг баҳридан ўтади, бориб-бориб ўйи дейди-ю, қўлга ўроғи-ю, кетмонини олади.

Унда ҳар қандай ҳаракат кеч бўлади. Баъзида ўйга чўмаман: бир аёл кишининг, ожизанинг ақли нимага ҳам етарди. Нотўғри гапираётгандирманки, ҳеч кимга ёқмайди, ҳеч ким қўлламайди. Лекин аёл юраги-чи? Аёл юраги — она юраги. У алдолмайди, адашмайди. Чунки она юрагига ниҳони, фарёдни Оллоҳ солган. Демак, Оллоҳни билган, уни тан олган инсонгина Она, Аёл юраги дардига қулоқ тутади.

Тойиба ТЎЛАГАНОВА,
Ўзбекистон ССЖ халқ депутати.

Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездининг РЕЗОЛЮЦИЯЛАРИ

«Ўзбекистон комсомолининг сайлаб қўйиладиган органлари ҳузурида комсомол ташкилотларига ёрдам жамғармалари тузиш тўғрисида»

Ўзбекистон ЛКЁИнинг Устави бошланғич комсомол ташкилотларига ўзининг пул маблағлари ва мулкларидан фойдаланишда тўла мустақиллик беради. Бу ёшлар манфаатлари йўлида ижтимоий аҳамиятга молик ишларни амалга оширишда сиёсий ва ташкилий вазифаларни рўёбга чиқариш учун шароит яратиб беради.

Аммо, комсомол ташкилотларининг турлича ижтимоий таркиби, кўплаб ноҳия ва шаҳарлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишида тафовутлар энг аввало қишлоқ ва қўриқ минтақадаги комсомол ташкилотлари, талабалар ва ўқувчилар жамоаларида ўз фаолиятини молиявий таъминлаш имкониятини бермайди.

Ўзбекистон комсомоли олдида турган умумий вазифаларни бажариш учун Ўзбекистон комсомоли XXIV съезди ўртоқларча ўзаро ёрдам ва жамоачиликни қарор топтира бориб, ёшлар марказларининг хўжалик фаолиятидан, лотереялардан, раҳбар органлар штатларини қисқартириш, иш ҳақини иқтисод қилиш ва бошқа тушумлар ҳисобига Ўзбекистон комсомолининг сайлаб қўйиладиган органлари ҳузурида комсомол ташкилотларига ёрдам жамғармаси тузиш ташаббуси билан чиқади.

Комсомол қўмиталарини молиявий таъминлашнинг аниқ пул миқдорини тегишли комсомол ташкилотлари аниқлайди, деб белгилаб қўйилсин.

«Ўқувчи ёшлар тўғрисида»

Ўқувчи-комсомолларнинг комсомол муаммолари ва фаолиятидан, унинг аниқ ишларида қатнашишидан бегоналашиши сайлаб қўйиладиган комсомол органларида вакиллигининг чекланганлиги, сафларнинг анча камайиб бориши шуни кўрсатадики, комсомол ташкилотларининг фаолиятида, уларнинг ташкилий тузилишида ўқувчи ёшлар комсомолининг ижтимоий-сиёсий хусусияти, ўқувчи комсомолнинг моҳияти эътиборга олинмаган.

Ўқувчи ёшларнинг ижтимоий камол топиши ва тарбияси учун ўз масъулиятини англаб, шунингдек, ўқувчи комсомоллар бугунги кунда жумҳурият комсомоли ҳаракатининг ва янгиланишининг резерви эканлигини, Ўзбекистон ЛКЁИнинг собитқадам ғамхўрлик кўрсатишига муҳтожлигини тушуниб, Ўзбекистон комсомоли XXIV съезди бу ғамхўрлик жумҳурият комсомолининг ёшлар сиёсатида, унинг сиёсий дастурида ифодаланиши зарур деб ҳисоблайди.

Съезд ўқувчи-комсомолларнинг янги модели: мазкур ёшлар қатлами учун олий орган сифатида конференцияни; ижрочи орган сифатида ноҳия, шаҳар қўмиталари, ўқувчилар кенгашларини **қўллаб-қувватлайди.**

Маълум туб йўналишлар ва ҳаракатномалар, ўз вакилларини Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси таркибига кўрсатиш ҳуқуқи билан Ўзбекистон ўқувчилар-комсомолларнинг Жумҳурият йиғинига олий орган мақомини беради.

Съезд шахснинг ижодий имкониятини камол топтириш ва мустақил Ўзбекистоннинг фаол фуқаросини тарбиялаш учун ўқувчи ёшлар ўртасида шарт-шароитлар яратиш комсомол хатти-ҳаракатларининг туб йўналишлари деб **ҳисоблайди.**

Съезд ёшларни миллий анъаналар ва маданият асосида ижтимоий тарбиялашда педагогик жамоалар ва комсомол ташкилотлари мақсадга эришишида халқ таълими органларига ўзаро ҳамкорлик ва ёрдамни **таклиф этади.**

Ўқувчи ёшлар учун ижтимоий-фойдали лойиҳаларнинг комсомол-ёшлар корхоналари, ёшлар ва жамоат жамғармалари ҳомийлари бўлишлари; корхоналарнинг, жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликларининг комсомол ташкилотлари жамоа шартномаларининг, меҳнат жамоаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режаларининг ёшлар бўлимларига ўқувчи ёшларнинг ижодиёти учун маблағ ажратиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тўғрисидаги таклифларни киритишга эришишлари зарур.

Ўз навбатида **съезд** жумҳурият комсомолининг ташкилий бирлигига қаратилган ўқувчи-комсомолларнинг турли хил акциялар ўтказишини, ташаббусларини кадрлар билан таъминлаш ва молиявий қўллаб-қувватлашни **кафолатлайди.**

«Ўзбекистон ЛКЁИ ва В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон жумҳурият кашшофлар ташкилоти»

Жамиятимиздаги ҳар томонлама янгиланиш, уни демократиялаш даврида кучайган муаммолар, зиддиятлар ҳал этилишининг мураккаб жараёни ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган ҳамда бутунлай катталарга тобе бўлган болалар ва ўсмирларда оғир акс этмоқда.

Ёш авлодни умумбашарий қадриятлар, миллий анъаналар руҳида, ҳуқуқий социалистик давлат принциплари асосида тарбиялаш, болалар ва ўсмирларнинг ҳуқуқлари, қизиқишлари ва эҳтиёжларини ҳимоя қилиш жумҳуриятимизда болалар ҳаракатининг ривожланиши ўз аъзолари талабларига мос келадиган кашшофлар ташкилоти мавжуд бўлгандагина мумкин бўлади.

Ўзбекистон комсомоли шуни таъкидлайдики, барча болалар ва ўсмирлар тенг ҳуқуқлидирлар, улар маънавий ва ақлий ривожланишларида, ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қондиришларида бир хил имкониятларга эга бўлишлари керак.

1. Ўзбекистон ЛКЁИ кашшофлар ташкилотидаги қайта қуришнинг асосий йўналишларини қувватлайди, янгиланишига кафолат беришни ўзининг бурчи деб билади ва бу соҳада қуйидаги вазифаларни бажариш борасида иш олиб боради:

— болаликка нисбатан давлат сиёсатини амалга ошириш, болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро битимга мувофиқ болалик тўғрисидаги Қонунни тасдиқлаш;

— жумҳуриятда кашшофлар ва болалар ҳаракатини ривожлантириш, уларнинг фаолияти учун давлат ёрдамини ажратиш;

— кашшофлар ташкилоти фаолиятини кафолатланган молиявий таъминлаш, болалар, кашшофлар рўзномалари ва ойномаларидан тушадиган маблағларни кашшофлар ташкилотига ўтказиш;

— кашшофлар ташкилоти ходимларининг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояланишини таъминлаш;

— Ўзбекистон ССЖнинг қонунчилик актларида кашшофлар ташкилотининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш.

2. Ўзбекистон комсомоли XV жумҳурият кашшофлар слётида қабул қилинган Устав ва ҳаракатномавий ҳужжатларини, жумҳурият кашшофлар ташкилотида амалга ошаётган янгиланиш жараёнларини қўллаб-қувватлайди ва келгуси ҳамкорликни шартнома асосида олиб бориш лозим деб ҳисоблайди. Ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани қабул қилиш Ўзбекистон ЛКЁИ МҚ ва Ўзбекистон жумҳурият кашшофлар ташкилоти кенгаши пленумига топширилсин.

Ўзбекистон комсомоли болаларни турли сиёсий ва миллий низоларга тортишга йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди, кашшофлар ташкилотининг жипслаштирувчи сифатида бўлиши тарафдоридир, инсонпарвар демократик социализмнинг идеалларига йўналтирилган болалар ва ўсмирлар ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишга тайёр.



Зардарё ноҳиясидаги «Наманган» давлат хўжалигининг сут-товар фермаси чорвадорлари қишловни муваффақиятли ўтказиш, жорий йилни яхши якунлаш учун курашмоқдалар.

Ташкил этилган ўзаро мусобақада соғувчи Озодахон пешқадамлик қилаётир. У «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали нишондори. Озодахон ўз боқимидаги сигирлардан кунига 11-12 литрдан етказиб сут соғиб олмоқда.

СУРАТДА: О. Сотиболдиева.

Суратчи Т. ҲАМРОҚУЛОВ.
Наманган вилояти.

Бугун—Қизил Яримой жамияти ташкил топганига 65 йил тўлади

САХОВАТ

Қизил Яримой жамиятининг 65 йил давомида олиб бораётган асосий фаолиятларидан бири донорликдир. Бизнинг фаолларимиз аҳоли, талабалар орасида кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини йўлга қўйиб, қон донорларини тайёрлаб беришга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Донорлик муаммоларига тўхталишдан олдин, икки оғиз қон тўғрисида гапириб ўтмоқчиман. Нима учун шифокорлар касалхоналарда қон ва қон препаратларини жуда кенг қўллашга ҳаракат қилишади? Соғлом одамнинг қони жуда катта ҳаётбахш кучга эга. Баъзи касалликларда у ҳар қандай доридан ҳам кучлироқ таъсир кўрсатади. Сабаби — қон табиий модда бўлиб, тез сингади. Ҳозирги даврда қон қуйиш шунчалик ривожланганки, ҳатто унинг алоҳида моддалари ҳам кенг ишлатилади. Минг афсуски, охирги пайтда мамлактимизда ҳам, жумҳуриятимизда ҳам донорлик ҳаракати кескин сусайиб, қонга бўлган талаб ошиб кетди. Бу жараён 1990 йилга келиб янада кескинлашди ва касалхоналаримизни қон билан таъминлаш катта муаммо бўлиб қолди. Бунинг асосий сабабларидан бири мамлакатимизда қайта қуриш даврида юз бераётган чуқур ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлардир. Қолаверса, янги шароитда донорликка тарғибот қилишнинг илгариги усуллари, қон топширганларга бериладиган нафақа ва имтиёзлар мутлақо қониқтирмай қўйди. Завод, фабрика ва бошқа давлат муассасалари хўжалик юритишнинг янги шароитларига ўтиши муносабати билан қон қуйиш хизмати ходимлари ва Қизил Яримой жамияти фаоллари учун эшикларни «ёпиб» олдилар. Ишчилар қон бериш натижасида ҳолсизланиб, икки иш кунини бекорга йўқотаяпмиз, деб донорликка қаршилик кўрсата бошладилар. Улар масаланинг маънавий томонини, ўз оила аъзолари ҳам оғир касалга дучор бўлиб, қонга муҳтож бўлишлари мумкинлигини унутиб қўйдилар.

Донорлик инқирозининг сабабларидан яна бири тарғибот ва ташвиқот ишларининг жуда сусайиб кетганлигидадир. Бу вазифа фақат Қизил Яримой жамияти фаолларига ташлаб қўйилди. «Билим» жамиятининг ва қон қуйиш муассасаларининг махсус ходимлари, фирқа ва комсомол қўмиталарининг раҳбарлари тарғибот ишларидан мутлақо юз ўгирдилар. Айниқса, талаба ёшлар орасида донорликнинг пасайиб кетиши жуда ачинарли ҳолдир. Илгарилари улар доимо анъанавий фаол бўлиб келган эдилар. Масалан, бир вақтлар жумҳуриятимиз олий ўқув юртларида ҳар 1000 талабага 150—200 дан ошиқ донор тўғри келган бўлса, ҳозир бу рақам 100 га ҳам етмаяпти. Бугунги кунга келиб, кўпгина олий билимгоҳлар, жумладан, Тошкент қишлоқ хўжалиги, политехника, доришунослик, хорижий тиллар, халқ хўжалиги, алоқа, маданият ва жисмоний тарбия сингари олий билимгоҳлари, консерватория, Тошкент Давлат дорилфунуни бу борада ишни мутлақо йиғиштириб қўйдилар. Баъзи олий билимгоҳ раҳбарлари эса шахсан ўзлари донорликка қаршилик қилиб, таъқиқлаб қўйганлар.

Бундай аҳволни тузатиш борасида Қизил Яримой жамияти Марказий Қўмитаси жумҳурият қон қуйиш илмий-текшириш олийгоҳи жамоаси билан ҳамкорликда кўп иш олиб бораяпти. Лекин муаммони тўла ҳал қилиш учун бу етарли эмас, албатта. Масала давлат миқёсида кўрилиши керак. Фикримизча, донорликнинг ижтимоий-иқтисодий томонига аниқлик киритмай туриб олдинга силжиб бўлмайди.

Ҳозир, мазкур олийгоҳ мутахассислари, жамиятимизнинг фаоллари томонидан «Ўзбекистон ССЖда қон донорлиги тўғрисида» Қонун лойиҳаси, талаба ёшлар орасида донорликнинг барча қирралари — ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, молиявий ва ташкилий томонлари ўз аксини топган.

Қонунни жумҳурият Олий Кенгаши томонидан тезда қабул қилиниши донорликни инқироздан қутқаради, деган умиддамиз.

А. ТОШМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон ССЖ Қизил Яримой жамияти Марказий Қўмитаси шифокори.

БЕВОСИТА ШАРТНОМАЛАР АСОСИДА

Фориш ноҳиясидаги Карл Маркс номли давлат хўжалиги маъмурияти якка тартибда уй қурувчиларнинг муаммоларини ҳал этишни зиммасига олди. У Россия Федерациясининг бир қанча ташкилотлари ва корхоналари билан бинокорлик материаллари етказиб бериш тўғрисида бевосита шартнома тузди.

Хўжаликда якка тартибда уй-жой қуришдан ташқари хўжалик, ижтимоий-маиший иншоотлар қуриш ҳам авж олдирилапти. Шериклардан олинаётган ёғоч-тахта, шифер ва бошқа материаллар бу қурилишларни тезроқ битказиб, ишга туширишга имкон бермоқда. Ўз навбатида форишликлар Россияга жун ва қоракўл тери, кишмиш ва мева қоқилари жўнатмоқдалар.

Ўзлари қурган ғишт заводи ҳам катта ёрдам беради, бу завод келгуси йилда ишга тушади.

Келгуси йил ҳисобига

Тошкент тўқимачилик комбинати ишчиси Займа Эдельберг «Ўз касбининг устаси» ва «Ёшларнинг мураббийси» деган икки фахрий номга сазовор бўлди. У учинчи ип йигирув фабрикасида пахтани титиб берадиган дастгоҳда оператор бўлиб ишлайди. Тўққиз йил ичида у ўзи ишлайдиган 6 та машинани жуда яхши билиб олди. У узилган пилтани бир неча дақиқада улаб, дастгоҳни ишга тушира олади. Шу сабабли унинг дастгоҳлари деярли бекор туриб қолмайди. Натижада у ҳар ойда режага қўшимча етти тонна таралган пилта ишлаб чиқаради. Айни вақтда Займа ёш ходималарга иш ўргатишга вақт топади, уларга ўз маҳорати сирларини саҳийлик билан ўргатади.

Илғор ишчи корхонада биринчилардан бўлиб келгуси йил ҳисобига маҳсулот топшира бошлади.

(ЎзТАГ мухбири).

Бобурнинг ёшлиги ўтган ерларда

Андижон саёҳатчилар харитасида янги маданият маркази — Бобур тарихий-адабий музейи пайдо бўлди. У эски шаҳардаги қайта таъмирланган «Арк ичи» меъморий обидасининг ичкарисига жойлашди. Ўрта Шарқ буюк шоири, мутафаккири ва давлат арбобининг болалик ва ўсмирлик йиллари ана шу гўшада кечган.

Музейга келувчилар обиданинг ганч ўймакорлиги билан безатилган ноёб бош дарвозасидан ичкарига қатлайдилар. Шинамгина ичкари ҳовли кишида қандайдир шоирона ҳислар уйғотади. Номаълум мусаввирнинг машҳур «Бобурнома»га битган тарихий миниатюралари асосида кўзаси ва фавворалари бўлган ҳовуз қайта тикланган. Бобурнинг ўсмирлик йилларида — отаси Умаршайх Андижонда ҳукмронлик қилган даврда «Арк ичи»да шоҳ болаларига таълим берадиган ва уларни тарбиялайдиган мактаб, кутубхона, ўйин майдончалари, истиқомат хоналари жойлашган эди.

Музейни бир ёқадан бош чиқариб, жон-дил билан ташкил этишди. Ўзбекистоннинг кўпгина шаҳар ва ноҳияларидаги меҳнат жамоалари «Арк ичи»ни таъмирлашга маблағ ўтказишди. Айрим кишилар ҳам хайр-эҳсон қилишди. Андижондаги бадиий буюмлар ва касаначилик меҳнати фабрикасининг, Володарский номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг, маҳаллий саноат корхоналарининг жамоалари музейни ўзларининг моҳир усталари яратган Бобур тасвири туширилган сўзаналар ва гиламлар билан, шоирнинг китобига битилган ажойиб расмлар билан безадилар.

— Музейимиз эндигина оёққа туряпти, — дейди катта илмий ходим У. Содиқов. — Ҳозирдаёқ буюк юртдошимизнинг 510 йиллик маъракасига тайёргарликни бошлаб юбордик. Бобурнинг маъракаси ЮНЕСКО қарорига асосан 1993 йилда нишонланади. Давлат жамғарма банкининг вилоят бўлимида Бобур жамғармасининг махсус ҳисоб дафтарчаси очилди. Андижон аҳолисигина эмас, Ўзбекистондаги барча вилоятларда яшаётган кишилар ҳам шу олижаноб ишда бизга ёрдам беришларига умид қиламиз. Ўрта Осиёдаги қардош жумҳуриятлар ва Қозоғистон ҳам бўлажак маъракага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда, музейни янги-янги ашёлар билан тўлдиришда ёрдам беришларига ишонамиз.

К. НИЗОМОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Ҳаммамиз биламизки, инсонни боқадиган, кийинтирадиган, хурсанд қиладиган зот — деҳқондир. Халқимиз деҳқонни ҳизр назар солган ҳалол ва пок дея улуғлайди. Буюк бобомиз Алишер Навоий бу мўътабар зот ҳақида шундай деган эди: «Дон сочувчи деҳқон — ерни ҳайдаш билан ризқ йўлини очади. Оламнинг ободонлиги деҳқондан, меҳнат аҳли шодонлиги улардан. Деҳқон ҳар қандай экин экишга қилса ҳаракат элга ҳам озиқ-овқат етказур, ҳам баракат. Деҳқонки, ҳалол меҳнат билан дон сочади, халқ бир донини етти юзга етказади... Кабутарлар мастлиги-ю, тўрғайларнинг шўх навоси шу донлардан. Фуқаронинг ризқ-рўзи, ғарибларнинг куч-қудрати дон биландир. Шоҳ хазинаси эса дон орқасидан инжу ва олтинга бой. Бундай деҳқон Одам Ато фарзанди, балки ундан ризқ етканлар — шу деҳқоннинг фарзанди — унинг ўзи Одам Атодир».

Одам Ато даражасидаги табаррук зот — деҳқоннинг ўзи ҳозир бекадр, ери, қишлоғи эса вайрондир. Қанчадан қанча қўли гул миришкор деҳқонлар қулоққа чиқарилиб, халқ душмани деган машъум тамға билан йўқ қилиндилар. Ҳаёт манбаи — она тупроғимиз, халқ фаровонлигимиз асоси ерда эканлиги унутилди, сағир қолган ер хўрланди, зўрланди, заҳарланди. Деҳқон хўжаликлари инқирозга учради. Қишлоқларда очарчилик авж олди. Заҳар-заққум ютган ер эгасиз қолиб, хароб бўлди.

Еримизнинг хўрлангани ҳақида гап борар экан, бир афсонада унинг инсонга хитоб қилиб айтган сўзлари менинг ёдимга тушади: «Эй хом сут эмган банда! Қасамёд билан бир-биримизга берган аҳдимиз бўйича мен жаъмики хазиналаримни олдингга тўкиб солдим. Ноз-неъматларимдан баҳраманд бўлишинг учун нималар қилиш кераклигини айтиб бердим. Аммо сен кўрнамак ва золим экансан, сен ўзгинга ноз-неъмат тутқазган сийналаримни кесиб ташладинг, сен сиқиб сувимни ичдинг, теримни шилиб олдинг, ҳаёт бахш этувчи қон томирларимни суғуриб олдинг, сен мусаффо кўзларимга заҳар сочдинг, кўр қилдинг! Бошимга солган бу оғир кулфатларнинг учун мен энди сендан ўч олишга мажбурман».

Булар афсонада айтилган гаплар. Аммо ризқ-рўзимиз манбаи бўлган она ер тақдири билан ўйнашаётган, бугунги кун билангина яшаётган, келгуси авлодларнинг тақдирига бефарқ қараётган айрим кимсалар бу сўзларнинг мағзини яхшилаб чақиб олсалар ёмон бўлмасди.

Бунинг устига Ўзбекистондаги обод қишлоқлар, сўлим ва гавжум гузарлар, чойхоналар, боғ кўчалар ўз шукуҳини йўқотди, деҳқонларнинг дам олиш масканларидан файз кетди. Нақш билан безатилган кўркам мачитлар, қадимий асори-атиқалар, мадрасалар бузилди. Ҳунармандларнинг дўконлари ёпилди, минглаб чорбоғлар текисланиб, ўрнига пахта экилди. «Пахта, пахта ва яна пахта» мустақиллиги шиорига ортиқча сиғиниб, аслан бой жумҳуриятимизни жар ёқасига олиб бориб қўйдик. Устига-устак ўзбек элининг моддий бойликлари талон-тарож қилинмоқда. Олтин, табиий газ, пахта, пилла, қоракўл териси, узум ва бошқа ноёб неъматлари, бебаҳо маъданлардан жумҳурият етарли фойда кўраётгани йўқ. Ўзимизда охирги маҳсулотгача қайта ишлаб чиқарилмайди ё бепул ёки арзон нархда бошқа жойларга кетмоқда. Ўта ачинарли жойи шундаки, шунча бойликларнинг қўш-қўллаб узатаётган халқ бўйнига «боқиманда» тавқи лаънати ҳам илиб қўйилган.

Қишлоқларда болаларимиз чаласавод, кўп ёшларимиз ишсиз, аёлларимиз камқон, заиф, жумҳуриятимизнинг ярим аҳолиси, қишлоқларда эса аксарият оилалар камбағал ва қашшоқ. Ночорликдан, тухмат тошларидан бош кўтара олмай қолган бардошли халқимиз адолатсизликдан тинкаси қуриган, жонидан тўяр даражада бўлгани учун Фарғонада, Қўқонда, Паркентда, Ўшда фожиали воқеаларни вужудга келтирди. Қуриб бораётган Орол фожиаси юракларни ларзага солаётир. Бевосита Орол атрофида яшовчи уч миллион халқнинг ҳаёти бугун хавф остида.

Минг афсуски, қайта қуриш жараёни ҳали кутилган натижаларни бергани йўқ. Кўп деҳқонларнинг айтишларича, мамлакатимизда беш йил бурун бошланган қайта қуриш шабадаси ҳам қишлоқларга етиб келмаган. Ерни деҳқонларга ҳали ҳам жумҳурият Президентининг фармонида кўрсатилгандек берилмаган. Эрта тонгдан кечгача жазирамада ишлаган деҳқонларнинг бир ойлик иш ҳаққи 40—50 сўмдан ошмайди. Сабаб — қайта қуриш жараёнини изчиллик билан амалга оширишга жойларда кўпгина хўжаликларнинг маъмурий ходимлари тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатмоқдалар.

Жумҳурият ҳукуматининг ҳаракати билан деҳқонларга уй-жой қуриш ва томорқа учун ер берилмоқда. Ҳозирги кунда жумҳуриятимизда 170 минг гектар ер майдони томорқа учун ажратиб берилди. Аммо бу олийҳиммат ҳаракат жараёнида ҳам ноинсофлик содир бўлаётир. Кўп жойларда ер оз, деган баҳона билан қишлоқ аҳолисига жуда кам миқдорда томорқа ажратилмоқда. Кўп оилаларга ҳанузгача ер берилгани йўқ. Улар идорама-идора овора бўлиб юрибдилар. Қайта қуриш душманлари очиқдан-очиқ, айримлари эса ниқоб остида иш олиб бормоқдалар. Улар деҳқон хўжаликларини ҳақиқий хўжалик ҳисобига ўтишларини, ижарага ва оилавий жамоа пудратга, ширкатларга ўтишга тўсқинлик қилмоқдалар, қатор жойларда оилавий ва жамоа пудрати звеноларида ишларни механизация асосида олиб бориш қийин деган баҳона билан ерларни бермасликка, агар берилган бўлса, улардан тортиб олишга ва ишларни яна эскича, бригада бўйича умумлашган асосда олиб боришга уринмоқдалар. Пудратчи деҳқонларга эркинлик беришни истамаяптилар.

«Ерда ким ишласа, у шу кишиники»дир деган Шўролар ҳукуматининг биринчи кунларидан ташланган шиор амалда бўлиши шарт. Лекин жумҳуриятимиз Олий Кенгаши томонидан яқинда қабул қилинган «Ер тўғрисида қонун»да бу оламшумул масала узил-кесил ҳал қилинмади. Бу Қонунда ерни ижарага, пудратга камида 5 йил муддатга бериш лозим деб топилган. Депутатларимиз бу Қонунни қабул қилганда ерни ҳозир деҳқонларга абадий қилиб бериб қўйилса, келгусида пайдо бўладиган деҳқон оилаларига ер бериш мумкин бўлмайди, кейин қишлоқларда масала мураккаблашади деган фикрга келишган. Бу важ бизнинг фикримизча катта асос бўла олмайди, чунки бўлажак янги оилаларнинг ишловчиларини, бир кишига қанча ер майдони тушишидан қатъи назар ўзларининг оила пудратчи (ижара) ёки жамоа пудратчиларига бириктирилса бўлади. Алоҳида хўжаликлар ҳозирнинг ўзидаёқ шундай қилмоқдалар. Яна келажакдаги ишчи кучлар хўжаликларда ташкил қилинаётган ҳар хил корхоналарда, тармоқларда ишлашлари мумкин.

Маълумки, деҳқонларимиз ердан ва ишлаб чиқариш воситаларидан 30-йилларда қишлоқ хўжалигини жамоалаштиришдан бошлаб маҳрум қилинган. Шу даврдан бошлаб мана 60 йилдирки, ерлар эгасиз қолди. Пахта майдонларида кўп фойдали жонзотлар — қуртқумурсқалар, масалан деҳқонларнинг яқин кўмакчилари бўлмиш чувалчанглар, бузоқбошилар, қирқ оёқлар ва бошқалар қирилиб кетди. Булар ҳаммаси тупроқни тирик ҳолидан ўлик ҳолига айлантира бошлади, уларда биологик мувозанат бузилди. Асрлар бўйи табиат ҳосил қилган тупроқни хонавайрон қилиб энди уни деҳқонга беш, ҳатто ўн-ўн беш йилга пудратга ёки ижарага бериб ўзининг илгариги ҳолатига келтириш ниҳоятда мушкул иш.

Агар ер деҳқонга умрбод қилиб берилмаса, унга деҳқон меҳр қўймайди, тубдан яхшилаш учун керакли капитал маблағлар сарфламайди, тупроқ унумдорлигини йилдан-йилга ошириш учун ҳеч қачон қизиқмайди, аксинча, ерни қолган кучидан фойдаланишга, яна сиқиб сувини ичишга ҳаракат қилади. Ер ҳақидаги ҳар қандай қонун ёки тадбирлар деҳқонларнинг ерга бўлган меҳр-муҳаббатини тиклашга ва бу ер унинг оиласи тақдирини ҳал қиладиган, ўзининг мулки деб қарашга мўлжалланган бўлиши керак.

Шунинг учун ерни деҳқонларга бутунлай (абадий), авлоддан-авлодга пудрат ёки ижара сифатида мерос бўлиб ўтадиган қилиб Шўролар ҳокимияти номидан бериш ҳозирги замон ва вазиятнинг долзарб талаби.

Ўзбекистон жумҳурияти Фанлар академиясининг ва В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги Фанлар академиясининг Ўрта Осиё бўлими олимларининг 1987 йил бошида Иттифоқ ҳукуматига ёзган махсус хатлари туфайли ва жумҳурият ҳукуматининг ҳаракати билан пахта ишлаб чиқариш бўйича белгиланган давлат буюртмаси 6 миллион тонна хом ашёдан 4,6 миллион тоннага келтирилди. Жумҳурият Президенти Ўртоқ И. А. Каримов яқинда 1991 йилдан бошлаб пахта толаси бўйича давлат буюртмаси 1,4 миллион тонна ёки шу ҳисобда 4 миллион тоннага туширилади деб баён қилди. Яна ҳозир ҳукумат шу давлат буюртмасидан 50 фоиз пахтани жумҳурият ихтиёрида қолдириб ички ва дунё бозорлари нархларида сотиш масаласини ҳал қилмоқда. Бу тадбирлар яна давлат буюртмаси бўйича пахтанинг харид нархларини 60 фоизгача оширилишини, албатта, юқорида айтилган вазифаларни бир қадар бажаришга, деҳқонларнинг иқтисодий аҳволини кўтаришга ёрдам беради.

Аммо, шуни қайд қилиш керакки, бу чоралар ҳали бизларни пахта яккаҳокимлигидан озод қилгани йўқ ва қилолмайди. Бизлар ҳалигача унинг кишанларидамиз. Пахтанинг янги харид нархи ҳам дунё бозоридаги нархларга қараганда анча паст.

1988 йилда ўтказилган катта илмий-амалий анжуманда қилган маърузамда пахта хом ашёси бўйича давлат буюртмаси 4 миллион тонна атрофида бўлишини далиллар билан исботлаб берилганди. Бу далиллар шулардан иборат эди: биз вилоят деҳқончилик саноати қўмиталари билан биргаликда ўтказилган кузатувда жумҳурият жамоа ва давлат хўжаликларида (1987—1988 йиллар мобайнида) пахта учун бутунлай ноқулай 700—750 минг гектар майдонда чигит экилиб келинган. Булар: шағал-тош, қир-адир, қум, кучли шўрланган, балчиқланган, ҳаддан ташқари зичлашган, оҳакли ерлар ва Қорақалпоғистоннинг энг шимолида жойлашган хўжаликлар ерларидан иборатдир. Бу ерларда кўп йиллар давомида ҳосилдорлик бир гектардан 5—20 центнердан ошмасдан хўжаликларга фақат зарар бериб келган ёки ҳеч қачон фойда бермаган. Энди пахтанинг харид нархи 60 фоизга (бир тоннаси 1630 сўм) оширилиши мўлжалланиши билан бир қисми озгина фойда бериши мумкин, лекин шу ерларнинг аксариятида харид нархи 2—2,5 марта оширилса ҳам деҳқонларнинг иқтисодий аҳволи ҳеч қачон ўзгармайди, чунки шу бир вақтда техника, ўғитлар, уруғликлар ва бошқа саноат молларига нархлар оширилди ва оширилмоқда. Демак, мана шундай зарар келтирадиган, етарли фойда бермайдиган ноқулай ерларда бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан чигит экиш мумкинми? Асло йўқ.

Шу билан баробар, 250—300 минг гектар ер қишлоқ аҳолисига уй-жой қуриш ва томорқа учун асосан қишлоқлар олдидаги пахта майдонларидан кетади. Бу эса камида 750—800 минг тоннани ташкил қилади.

Қисқартирилган пахта ерларидан биринчи навбатда тўғри алмашлаб экишни жорий қилиш учун фойдаланиб, энг кўп фойда берадиган экинларнинг майдонларини кенгайтириш лозим бўлади.

Пахта майдонини камайтириш чорвачиликни тубдан яхшилаш, айниқса, гўшт ва сут маҳсулотларини кескин кўпайтириш учун ҳам керак. Маълумки, жумҳуриятимиз аҳолисининг ўрта ҳисоб билан жон бошига бир йилда 29 килограмм гўшт тўғри келади (шундан 21 килограмми ўзимизда ишлаб чиқарилади), бу эса Иттифоқда аҳоли жон бошига истеъмол қилинадиган гўшт миқдорига нисбатан 2,2 баробар кам. Чорва маҳсулотини истеъмол қилишда қишлоқ аҳолиси, айниқса, ачинарли аҳволда. Қишлоқда аҳоли жон бошига гўшт истеъмол қилиш бор-йўғи 8 килограммга тўғри келади, кўп одамлар гўштни ойлаб кўрмайдилар. Маълумки гўшт жуда керакли оқсил моддага бой. Оқсил модда инсон ҳаётидаги ҳамма физиологик-биокимё жараёнларнинг боришида иштирок этади. Ф. Энгельс «оқсил — ҳаёт борлигининг шаклидир» деб ёзган. **Мана шу гўшт таркибидаги оқсил модданинг инсон танида етишмаслиги сабабли энг керакли физиологик жараёнлар нормал ўтмаяпти. Натижада халқимизнинг ирсияти ёмон томонга ўзгариб бормоқда,** бунга ҳар хил юқумли касалликларнинг кўпайиши, янги-янги касалликларнинг пайдо бўлиши, чақалоқларнинг чала, кичик ва ақли кам бўлиб туғилиши, айниқса, болалар ўлимининг кўпайиб бориши, кўп йигитларимизнинг ҳарбий хизматга ярамасликлари, қишлоқларда полвонларнинг камайиб кетиши яққол далил бўлади. Бу аҳвол ҳаммамиз учун даҳшат, чуқур ўйлашга ва керакли чораларни кўришга даъват этади.

Бизда жуда кам гўшт, сут етиштирилиши ва уларнинг нархларини тобора ошиб боришига асосий сабаблардан бири ем-хашак етишмаслиги, қишлоқда яшаб туриб кўп оилалар чорва молларини сақламаслигидир. Масалан, қишлоқ аҳолисининг 41 фоизида сигир, 52 фоизида қўй ва эчки йўқ.

Бунинг устига аксарият жамоа ва давлат хўжаликлари қишлоқ аҳолисининг шахсий молларига ем-хашак бериш у ёқда турсин, ўз чорва молларини ҳам таъмин этолмайдилар.

Деҳқончилик қандай шаклда ва мазмунда бўлмасин, қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

1) ҳар бир гектар ердан мумкин қадар кўп фойда олиш;

2) тупроқ унумдорлигини тобора ошириб бориш;

3) экологик мувозанатни таъминлаш.

Машҳур Риштон, Сух, Исфара, Чимён, Хўжанд, Андижон, Янгиқўрғон ўриклари, Қува, Наманган, Варганзи, Дашнаобод анорлари, Оққўрғон (Бувайда), Қарши (к. Кўкчак), Хоразм анжирлари, хушбўй Наманган, Бахмал ва Хазорасп олмалари, донгдор Хоразм, Қорақалпоғистон, Мирзачўл, Фарғона, Бухоро қовунлари, шунингдек Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё кишмишлари, Паркент, Тошкент узумлари, Самарқанд нашватиларини катта ҳажмда ишлаб чиқарилишини қайтадан тиклаш зарур.

Қишлоқ хўжалигига мисли кўрилмаган зарарни маъмуриятчилик, буйруқбозлик ва режалаштириш йўли билан раҳбарлик қилиш усуллари келтирди. Афсуски, ҳамон қонун ва қарорларга қарамай, қишлоқ хўжалигига раҳбарлик эскичасига давом этмоқда. Энди илгариги давлат режалари давлат буюртмаси деб берила бошланди. Буларнинг орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Қишлоқларда қайта қуриш суст бормоқда. Шунинг учун ҳам уларда ўзгариш сезилмаяпти. Буйруқбозликни давом этиши ҳақида бир мисол: шу йил 5 октябрда Ўзбекистон ССЖ Қишлоқ хўжалиги давлат ширкати қўмитаси ҳамма жамоа ва давлат хўжаликларига ҳар бир килограмм терилган пахта учун теримчиларга 25 тийиндан, машинада терилган бир тонна пахта учун 30 сўмдан ҳақ тўлашни буйруқ билан тавсия қилади. Давлат қўмитаси шу тарзда ҳақ тўлашга хўжаликда имконият борми ёки йўқми, ҳисоблашмаган. Наҳотки, хўжалик раҳбарлари ўз пулларига ўзлари хўжайин бўла олмайдилар ва имкониятга қараб теримга қандай ҳақ тўлашни ўзлари белгилай олмайдилар? Бу буйруқнинг зарарли томони яна шундаки, йил бўйи пахтани ўстириб, пишириб етказган бир қанча кетмончи, сувчи ва бошқалар теримда яхши иштирок этолмайдилар ёки оиласи кичиклигидан теримда етарли ҳақ ололмайдилар, шу билан бир вақтда баҳор ва ёзи билан уйида ўтирганлар ёхуд «ҳашарчи»лар пахта очилганда теримга чиқиб пулнинг анча-мунча қисмини олиб кетишлари турган гап. Бу эса ҳақиқий пахтакорнинг кўнглини ишдан совутади, келгуси йил ҳосилига путур етказади.

Эндиликда ҳақ тўлаш тартибларини белгилаш, экин майдонларини, маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорини, турларини аниқлаш ва қайси ташкилотларга сотиш режаларини тузиладиган ўзаро ва ихтиёрий шартномалар асосида бевосита деҳқон хўжаликларининг ўзлари ҳал қилишлари лозим. Бу ишлар бозор муносабатларини тўла ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Қишлоқ хўжалигида содир бўлган аҳвол жамоа ва давлат хўжаликларининг ҳажмларини мўътадиллаштириш ва уларнинг етарли фойда бермайдиганларидан воз кечишни талаб қилади.

1950 йилларда кичик жамоаларга раҳбарлик қилиш қийин, уларнинг самарадорлиги паст бўлади ва маъмурий ходимларнинг сонини қисқартириш керак деган баҳоналар билан жумҳуриятимизда хўжаликларни йириклаштириш кампанияси ўтказилган эди. 1957—1966 йилларда эса давлат хўжаликларида ишчилар давлатдан муайян ойлик оладилар, жамоа хўжаликларда эса бундай эмас деган сабаблар билан жуда кўп жамоа хўжаликлари давлат хўжаликларига айлантирилди, натижада хўжаликлар яна йириклашди. Агар 1950 йилда 7400 жамоа хўжалиги ва 70 га яқин давлат хўжаликлари бўлган бўлса, ҳозир жумҳуриятда 877 жамоа хўжалиги ва 1038 давлат хўжалиги мавжуд.

Аввало, бу тадбирлар тўғри қўлланилганми? деган савол туғилади. Албатта, жуда ҳам кичик хўжаликларни, масалан, 150—200 гектар ер майдонига эга бўлганларини бир-бирига қўшиш ва ўша пайтда жуда қолоқ, далачиларнинг меҳнатига ҳақ бермайдиган ёки кам ҳақ берадиган жамоаларни давлат хўжаликларига айлантириш керак эди. Аммо, бу ишлар жуда шошма-шошарлик билан ўтказилди, илмий ва ташкилий томондан уларнинг ҳажми исботланмади, шароитни ҳар томонлама ҳисобга олмасдан 6—10 жамоа хўжаликлари бирлаштирилди. Ўша даврларда иқтисодий томондан мустаҳкамлашларидаям шу сиёсат қўлланди. Аммо бу тадбирлар ўзини оқламади, ҳатто зарар келтирди. Чунки давлат хўжаликлари томонидан фойда-даромад олинган бўлса, уни марказлаштириб олиб кетилди, ўзларига эса капитал маблағлар берилмади ёки жуда кам берилди, жамоалар эса ўз даромадларига ўзлари хўжайин бўла олмадилар. Аммо ҳаддан ташқари йирик бўлганидан ишларида яхши натижа бўлмади. Ҳозир жамоа хўжаликларининг ҳар қайсиси 1000-3000 гектар, кўпчилик давлат хўжаликлари — 2000-5000 гектар сувли майдонга эга. Ўз-ўзидан ишлаб чиқаришга раҳбарлик қийинлашди, бевосита ишлаб чиқаришда қатнашмай ойлик оладиган ходимлар сони бир қанча ошди, хўжалик раҳбарлари далачилар, ишчилар билан бир неча ойлаб, ҳатто йиллаб кўришмайдиган бўлдилар, улар раҳбарликни бригадирлар, меҳнат жамоалари кенгашининг аъзолари ёки сайланган вакиллар орқали гаплашадиган, кўп вақтларини ҳар хил мажлисларда ўтказадиган бўлиб қолдилар. Раҳбарлар меҳнаткашларнинг асосий қисмидан ажралдилар, уларнинг хол-аҳволидан хабар олмайдиган бўлдилар.. Бу эса ўз навбатида халқ орасида жуда катта норозилик туғдира бошлади. Хуллас, жамоа ва давлат хўжаликларининг раҳбарлари ҳақиқий бюрократик аппаратчиларга айландилар.

Жумҳурият қишлоқ хўжалигида самарадорликнинг йўқлиги сабабларидан биттаси қатор хўжаликларнинг кўп йиллар давомида ернинг умрини бекорга ўтказиб фойда ўрнига зарар кўришларида ёки уларнинг фаолиятидан бутунлай фойда йўқлигидадир.

Мисол учун, Сирдарё вилоятининг Меҳнатобод ноҳиясидаги давлат хўжаликлари 20,3 минг гектар қаттиқ оҳакли, мелиоратив ҳолати ёмон ерда чигит экади, 1976—1987 йилларда ҳосилдорлик 7,2-11,0 центнерни ташкил қилди. Натижада шу ноҳиянинг 7 хўжалиги бир беш йилликда давлатга 75 миллион сўм зарар келтирди.

Тошкент вилоятининг Оҳангарон ноҳиясидаги Будённий номидаги давлат хўжалиги 3743 гектар ерда деҳқончилик қилади. Бу хўжаликда ҳосилдорлик паст, чорвачилик ёмон аҳволда. Хўжалик уч йилда (1987—1989) давлатга 5 миллион 185 минг сўм зарар келтирди. Бу хўжаликни Тошкент вилоятининг ижроқўми яқинда ўз қарори билан тугатиб, унинг асосидаги 3 та пудрат жамоаси тузиб жуда тўғри иш қилди.

Қашқадарё вилоятининг Баҳористон ноҳиясида «Қаршиқурилиш» бошқармасига қарашли «XXV фирқа қурултойи» давлат хўжалиги 4860 гектар суғориладиган ерда деҳқончилик қилиб охирги йилларда давлатга 8 миллион зарар келтирди.

Мана шундай давлатга кўп йиллар давомида фақат зарар кетираётган, ернинг умрини бекорга ўтказаётган хўжаликлар сони жумҳуриятда 61 та.

Мана шу аҳволни ҳисобга олганда ўз халқларини кўп йиллар давомида боқолмасдан, ижтимоий муаммоларни ҳал қилолмасдан камбағалликка, қошшоқликка дучор қилган жамоа ва давлат хўжаликларини келгусида яшашга ҳақлари йўқ, Улар бутунлай тарқатилиши керак. Бу хўжаликларнинг ерларини, чорва молларини ва ишлаб чиқариш воситаларини оилавий пудратчиларга, ижарачиларга, фермер типидаги хўжаликларга бериш, ёки буларнинг асосида ҳар хил ширкатлар, уюшмалар тузиш лозим. Шундай иш қилиш қишлоқ хўжалигини тубдан қайта қуриш талабига жавоб беради.

Қишлоқда жумҳуриятнинг 60 фоиз аҳолиси яшайди. Қолган 40 фоизи шаҳарда, буларнинг яшаш фаровонлиги худди мана шу қишлоққа ва деҳқонга боғлиқ. Шунга кўра, қишлоқнинг келгуси ҳаёти ва тараққиёти ҳақида ўйлаш, уни тубдан қайта тиклаш ва ободончилигини таъминлаш, ҳозирги иқтисодий ва ижтимоий инқироздан чиқариш ҳаммамиз учун фарз ва қарздир. Бу борада шуни айтиш лозимки, шаҳарларимиз ўтган даврда асосан қишлоқ ҳисобига тараққий этиб келдилар, эндиликда улар ўз манфаатлари учун ҳам қишлоққа юз ўгиришлари ва ҳар томонлама ёрдам беришлари лозим, чунки деҳқон тўймаса, шаҳарликлар ҳеч қачон тўймайдилар.

Жумҳуриятимизда 20 мингдан ортиқ қишлоқлар бор. Буларнинг тубанликка, вайроналикка дучор бўлиш сабабларидан бири, уларнинг эгасиз ва қаровсиз қолишларидандир. Бу эса ўша жамоа хўжаликларини қўшиш, йириклаштириш ва уларни давлат хўжаликларига айлантиришдан бошланди. Бир жамоа ёки давлат хўжалиги 5-6 дан то 10-12 тагача қишлоқларни ўз ичига олди. Қишлоқлар бригадаларга бўлиндилар, улар ишлаб чиқариш, одамларни уйма-уй юриб ишга чақириш, далада ишлатиш билан банд бўлдилар. Қурилиш, ободончилик, одамларга маиший хизмат кўрсатиш, тарбия ишлари билан бутунлай шуғулланмадилар. Шундай қилиб қишлоқлар ўз ҳолига ташлаб қўйилди, эгасиз қолдирилди. Булар ҳаммаси ўз навбатида фақат ижтимоий-таъминот, ободончилик ва тарбиявий ишларгагина эмас, муайян ишлаб чиқаришга ҳам катта путур етказди.

Ўз қишлоғини гуллаб-яшнатишдан, шу маконнинг бутун халқи манфаатдордир. Бунга эришиш учун ҳар бир қишлоқда, кичик ва яқин қишлоқларнинг икки-учтасида биттадан мустақил хўжалик ҳисобида иш юритадиган ишлаб чиқариш ширкатлари тузиш маъқул бўлади. Бундай янгича шаклда ва услубда ишлашга Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ ноҳиясидаги Ким Пен Хва жамоа хўжалиги яққол мисол бўла олади. Унинг сафида 21 ширкат тузилган. Бу жамоа хўжалиги ширкатлар уюшмаси) икки йил ичида қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида жуда юқори самарага эришди. Далачиларнинг бир ойлик ўртача маоши 100—120 сўмдан 250-300 сўмгача ошди. Яна шуниси ибратлики, ҳозирги уюшмада илгариги жамоа хўжалигига қараганда 80 маъмурий ходим ўрнига бор-йўғи 5 киши ишлайди холос.

Ҳозирги вақтда гап ер майдонининг бир кишига кўп ёки оз ажратилишида эмас. Агар ердан тўғри ва оқилона фойдаланилса (Хитой, Япония деҳқонлари сингари) унинг ҳар бир гектаридан 40-50, ҳатто теплица (иссиқхоналарда) 80-100 минг сўмгача даромад олиш мумкин. Жумҳуриятда ўрта ҳисоб билан бир гектар пахта экиладиган ердан бор-йўғи 550 сўмдан соф даромад олинади холос. Демак, бизларда ҳали ердан фойдаланиш жуда ёмон аҳволда.

Мен Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларининг кўп хўжаликларида бўлганимда ердан фойдаланиш қай аҳволдалиги билан қизиқдим. Менимча, далаларнинг, ариқзовурларнинг, йўлларнинг четлари, ҳар бир даланинг ичида бир қанча жойларнинг экинсиз бўш ётиши ҳисобига 10—15, айрим жойларда 20 фоизгача ер майдонидан бутунлай фойдаланилмайди. Бунинг устига деҳқончилик маданияти бу жойларда ҳали ҳам паст. Деҳқончилик интенсив равишда олиб боришга ўтилгани йўқ.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, деҳқон ерга эга эмас. Алмашлаб экишни узоқ йиллар давомида илмий асосда жорий қилинмаслигининг, еримизнинг чарчаши ва ишдан чиқишининг асосий сабаби худди мана шу эгасизликдадир. Алмашлаб экишни бундан буён икки-уч экинлар номи билан эмас, балки «тўғри алмашлаб экиш» деб айтилса ҳақиқатга мос бўлади. Алмашлаб экиш схемаларида ва амалда асосий экиндан ташқари бошқа — шу жойга мослашган юқори ҳосилли экинларни жорий қилиш деҳқон хўжалигига ҳар томонлама фойда келтиради, ундаги биологик мувозанатни тиклайди, ҳар бир хўжалик ўзига энг керак бўлган маҳсулотни ишлаб чиқаради, қишлоқ хўжалиги ҳашаротлари билан биологик кураш табиий ҳал қилинади, ем-хашак сероб бўлади, чорвачилик тараққий этади, тупроқ учун органик ўғитларни (гўнг) етарли ишлаб чиқариш ўз-ўзидан ҳал бўлади, минерал ўғитлардан фойдаланиш камаяди, заҳарли химикатлар ишлатилмайди. Умуман айтганда экологик тоза муҳит вужудга келади, инсон саломатлиги яхшиланади.

Қишлоқ хўжалигини юқорида айтилган тартибда олиб бориш жумҳурият Фанлар академиясининг «Биолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Бағдод ноҳиясидаги «Москва» тажриба хўжалигида амалга оширила бошланди. **Хўжаликда 203 пудратчи звенолар, — булардан 80 фоизи жамоа пудратчи — жамоа мулкчи оила звенолари тузилди.** Уларга хўжаликнинг барча 2900 гектар ерини 6-16 гектардан доимо фойдаланиш учун бўлиб берилди. Тажриба хўжалиги келгуси йилдан бошлаб умумий майдондан 50 фоизи атрофида пахта экади (1990 йилда 70 фоиз эди). Бир қанча звенолар 1990 йилдан бошлаб пахта яккаҳокимлигидан бутунлай воз кечиб тўғри алмашлаб экишни ўз хўжаликларида жорий этдилар. Булар пахта сотиш бўйича тажриба хўжалиги билан тузган шартномаларини сентябрь ва октябрь ойининг бошидаёқ бажардилар ва бошқа экинлардан ҳам юқори ҳосил олдилар.

Бу ҳақда бир мисол келтириш кифоя.

Хўжаликнинг Конизар қишлоғида Набижон Иброҳимов бошлиқ 7 оила ва 14 ишчидан иборат жамоа звеноси тузилди, шундан икки нафари илгари ишсиз юрган ёшлар. Бу звено 12 гектар ерда асосий экин — пахтадан ташқари маккажўхори, ерёнғоқ экдилар, ҳар йили бўш ётадиган дала четидаги, зовур-коллектор қирғоқларидаги ерларни яхшилаб ўзлаштириб, ўғитлаб, ошқовоқ, кунгабоқар, тарвуз, қовун, ловия экдилар. Натижада пахта ҳосили яхши бўлди, гектаридан 30 центнер ўрнига 40 центнердан, маккажўхори дони 48 центнер ўрнига 71 центнердан, маккапоядан 300 центнер, ерёнғоқдан 30 центнер ҳосил олинди. Звено аъзолари ёз бўйи 80-100 сўмдан ойлик олдилар. Бундан ташқари сентябрь ойида ҳар бир ишчи бепул 300 кг маккажўхори дони, 5 тонна маккапоя, 150 кг ерёнғоқ, 30 кг ловия ва бошқа маҳсулотлар олди. Етиштирилган юқори пахта ҳосилини четдан одам ёлламасдан фақат оила звено аъзолари ўзлари териб олдилар. Қилинган ҳисоб бўйича бир звено ишчисининг ўртача ойлиги ўтган йилдаги 35-40 сўм ўрнига 250 сўмдан тўғри келмоқда. Кўриниб турибдики, ишчиларнинг ойлиги бир йил ичида 5-6 баробар ошди.

Набижон Иброҳимовнинг оила звеноси 1991 йилда 12 гектар ернинг 6 гектарида пахта, 4 гектарида беда ва дон, 2 гектарида ер ёнғоқ ва бошқа экинлар экишни планлаштирмоқда. 1990 йилнинг сентябрь ойида 2,5 гектар маккажўхори ўрнига бедани буғдой билан қўшиб экилди, яна пахта экиладиган ернинг 1,5 гектарига шу йилнинг кузида бошоқли экин экиш, бунинг ўрнига келгуси йил июнь ойида маккажўхори ва сентябрь ойида беда билан оралиқ экин экиш мўлжаллаб қўйилди.

Ҳозиргача бизнинг мамлакатимизда катта ва кучли тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқариш сиёсати олиб борилди. Ишлаб чиқарилаётган машиналаримизнинг аксарияти қўпол, оғир ва қимматдир. Бу борада биз Оврупо мамлакатларига қараганда анча орқадамиз. Албатта, суғориладиган деҳқончиликда мелиорация ишларини юқори даражада ва сифатли олиб бориш, ерларни текислаш, чуқур юмшатиш, ҳайдаш ва бошқа ишлар учун ихчам, кучли тракторлар (150, 250, 300 от кучига эга бўлган) экскаваторлар, скреперлар, бульдозерлар, юмшатгичлар, плантаж плуглари ва бошқалар жуда керак. Шундай техникага бизда эҳтиёж катта.

Демак, кичик техникалар ишлаб чиқаришда ва улар билан янги ташкил топган деҳқон хўжаликларини етарли таъминлашда кескин бурилиш ясаш керак. Бунинг учун Тошкент трактор, «Ташсельмаш» ва Чирчиқ машинасозлик заводлари вилоятлардаги қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш ва бошқа заводларнинг бор қувватлари ва имкониятларидан кенг фойдаланиш керак.

Шу билан бирга деҳқон хўжаликларида от-араваларни тиклаш резина ғилдиракли тирков аравалар ва деҳқончиликда ишлатиладиган, лекин кўп йиллардан бери эсдан чиқарилган майда-чуйда асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни тегирмон, жувоз, обжувоз ва бошқаларни тиклашни йўлга қўйиш ҳозирги даврнинг катта талаби бўлиб қолди.

Мен кўтарган қишлоқ хўжалиги муаммолари ҳар томонлама ва ҳамма жойга бир текисда тўғри келади деб айтмоқчи эмасман. Бу менинг шахсий фикрим. Ўқувчилардан бу таклифларга танқидий кўз билан қараб, ҳар бир шароитни ҳисобга олган ҳолда ижобий фойдаланишларига ишонаман.



Мирза Али МУҲАММАДЖОНОВ,
академик.

ОНА ЕР, ЭЛ, ТАҚДИР

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

АМЕРИКАЛИКЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИЛАР

ВАШИНГТОН. (ТАСС мухбирлари Алексей Бережков, Александр Королев, Станислав Лунев). НАТОга аъзо бўлган мамлакатлар «ССЖИдаги ислоҳотлар жараёни янги танглик даврини бошидан кечираётгани»ни тушуниб турибди, деб таъкидлади, АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер. У Брюсселда НАТО кенгашининг ташқи ишлар вазирлари даражасидаги қишки сессияси тугаганидан кейин журналистлар билан учрашувда нутқ сўзлади. Давлат котиби ССЖИдаги аҳвол юзасидан сессияда ўтказилган муҳокама якунларига тўхталиб, шундай деди: «Совет Иттифоқидаги беқарорликнинг кучайишини шак-шубҳасиз ҳеч ким истамайди. Беқарорликни камайтиришнинг энг яхши йўли сиёсий ва иқтисодий ислоҳотни жадаллаштириш эканлигига ҳамма қўшилади. Биз ҳаммамиз демократия ва бозор иқтисодиёти йўлидаги ислоҳотлар жараёнини ҳамда сай-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаб, ССЖИ билан биргаликда ҳаракат қилишни давом эттириш ниятидамиз».

* * *

АҚШ Президенти Жорж Буш америкаликлар Қувайтни Ироқ босқинидан озод қилиш мақсадидаги ҳарбий тадбирни қўллаб-қувватлайдилар, деб умид билдирди. У минтақа рўзномаларининг мухбирлари билан бўлиб ўтган учрашувдан кейин шуларни таъкидлади. Оқ уй раҳбари «Қўшма Штатлар хавфсизлик кенгаши қарорларини бажариш учун ўз вазифасини амалга оширишига тўғри келган» тақдирда мамлакат бундай тадбирни қўллаб-қувватлашига ишонишини таъкидлади.

* * *

АҚШ мудофаа вазири Ричард Чейни сешанба куни кечқурун Вашингтондан Саудия Арабистонига учиб кетди.

Пентагон расмий вакилининг хабар қилишича, Р. Чейни 23 декабргача давом этадиган бу сафар чоғида Америка қўшинларининг «Чўл қалқони» операциясидаги иштирок этаётган бир қанча қисмлари ва тузилмалари турган жойларга боради. АҚШ қуролли кучларининг жуда кўплаб аскарлари ва техникаси Форс кўрфази зонасига олиб борилиши операцияси «Чўл қалқони» деб номланган. Бундан ташқари, Р. Чейни Яқин Шарқ минтақасидаги АҚШ қўшинлари қўмондони генерал Норман Шварцкоп ва бошқа Америка командирлари билан учрашади.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ТУЯЛАР ПОЙҒАСИ

● ЯМАН жумҳуриятининг Ходейда шаҳри атрофида анъанавий туялар пойгаси бўлиб ўтди. Пойга 41 километрга чўзилган бўлиб, унда 155 нафар сувори қатнашди.

Маррага бир вақтнинг ўзида икки — Акбара ва Самум лақабли туялар биринчи бўлиб етиб келишди. Қизиғи шундаки, мусобақа шартига кўра, туякашлар туя устида ортиқча ҳаракат қилмасликлари, шунингдек, биринчи ўрин фақат бир туякашга берилиши керак эди.

Ҳакамлар ҳайъати биринчиликни кимга бериш кераклиги тўғрисида узоқ бош қотирдилар ва ғолибни аниқладилар. Ғолиблик Самум лақабли туяга насиб этди. Акбаранинг соҳиби эса пешонасидаги терни артмоқчи бўлиб, оқ рўмолчасини кўтарган ва натижада бу ранг туянинг безовталаниб тез чопишига сабаб бўлган экан. Шунинг учун унинг ғолиблиги инобатга олинмади, деб хабар беради Австриянинг «Фолькcштимме» рўзномаси.

ЭНГ ҚАРИ ЧОЛ-КАМПИР

● ДУНЁДА энг қари чол-кампир поляк миллатига мансуб экан. Уларнинг фамилияси Семеньчук. Чол 1884 йилда, кампир эса 1885 йилда туғилган.

«Польша» ойномасида ёзишларича, ҳозир улар Белоруссиянинг Гродно вилоятига қарашли Заслонов жамоа хўжалигида тинч-тотув яшашмоқда.

МАОШ ФАҚАТ ЙИҒИНДА ҚАТНАШГАНЛАРГА БЕРИЛАДИ

● ЭКВАДОРДА эндиликда фақат парламент йиғинларида қатнашган депутатларгагина маош тўланадиган бўлди. Бу усулни ушбу юқори орган раиси Э. Бонилья жорий этди.

Унинг таклифи бўйича, касаллиги сабабли йиғинда қатнашолмаган депутатларнигина кечириш мумкин, ўшанда ҳам тиббиёт мутахассислари ёзиб берган маълумотномага асосланиб. Бошқа хилдаги «узрли» сабаблар эса умуман инобатга олинмайди.

Она тилимиз—бебаҳо бойлигимиз!

Яхшилик—жаҳолатга айланмасин

Жумҳурият атамашунослик қўмитаси тузилганига бир йилдан ошди. Атамашунослик қўмитасида техника бўлими ҳам фаолиятини давом эттирмоқда.

Фан, техника, технология худди инсон оёқ-қўли, кўзи каби бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Улар бир-бирини тўлдириб, моддий бойликларни бунёд этиш асослари бўлиб ҳисобланади.

Фан — янги ғоялар берувчи, янги билимлар яратувчи, муҳим муаммоларни ҳал этиш йўлларини кўрсатиб берувчи, ижтимоий тараққиёт асосларининг яратилишида фаол қатнашувчи кучдир. Техника инсон куч-қудратини, унинг иш қобилиятини чексиз оширувчи ва фан ютуқлари асосида яратилган қуролдир.

Технология — фан, техника асосида маълум моддий бойликларни, техника яратилишини таъмин этилиши ёки шу моддий бойликларни техника асосида яратилишини амалга оширувчи омилдир.

Бу учала соҳанинг бир-бирига бевосита боғлиқлиги, бир-бирини тўлдириб туриши, такомиллашиб бориши жамият тараққиётини илдам қадамлар билан ўсиб боришини таъминлаши ўтмиш, тарих тақозосидир. Учала соҳанинг бир-бирига бевосита боғлиқ мувозанати бузилса жамиятда техникавий ва ижтимоий салбий ўзгаришлар содир бўлишини қайта қуриш сабоқлари исбот этиб турибди.

Техника фанларининг ҳаётдаги, жамиятдаги тутган ўрни тобора кучайиб бормоқда. Агар биз барча фанлар бўйича ҳимоя этилаётган илмий ишларни 100 фоиз деб қарасак, шулардан 60 фоиздан ортиғи техника фанларига тўғри келади.

Жамият бойлигини оширишдаги технологиянинг аҳамиятини АҚШ, Япония, Олмония мамлакатларидаги тараққиёт исбот этиб турибди. Бунинг устига технология экологик жараённи ҳеч қандай ортиқча маблағ сарф этмай яхшилаш имконига эгадир.

Фан, техника, технологиянинг тўхтовсиз ривожланиб бориши сўз бойлигимизни бойитиб, янги атамаларни келиб чиқишига олиб келади.

Атамалар маъносини тўла тушуна олмасак ҳаётимиз ва бажараётган ишимиз моҳиятини ҳам чуқурроқ англамай қолишимиз мумкин. «Сўзнинг асл маъносини тушунмай ярим олам адашиб юрибди» деган ибора жуда тўғри айтилган. Бу иборани баъзилар А. С. Пушкинники баъзилар Рене Декартники дейди. Эҳтимол бу ибора Шарқ ва Ўрта Осиёда яшаб ижод этган улуғ алломаларимиз, шоирларимиз, фозилларимизга тааллуқлидир?! Буни тарих ҳукмига ташлаймиз. Янги-янги техникавий атамалар турли хил миллат ва элатларнинг тилларига сингиб уларда умумийлик ва бирлик ҳис-туйғуларини, тушунчаларини келтириб чиқаради.

Ўзбек адабиёти ва фанига кириб қолган атамалар бошқа мамлакат, давлат, миллат, элатлардан, тиллардан кўчирилганнини ва онгимизга сингиб кетганининг гувоҳимиз, бизга асрлар оша араб истилосидан сўнг кириб келган араб сўзлари — **«адиб»**, **«альманах»**, **«асар»**, **«байт»**, **«вазн»**, **«девон»**, **«латифа»**, **«мадҳия»**, **«мақола»**, **«муаллиф»**, **«муаммо»**, **«мухаммас»**, **«мушоира»**, **«нутқ»**, **«рисола»**, **«рубоий»**, **«санъат»**, **«ҳамса»**, **«шоир»** ва бошқалар; лотин тилидан кириб келган **«лауреат»**, **«вариант»**, **«проза»**, **«гуманизм»**, **«вектор»**, **«амплитуда»**, **«абсалют»** ва бошқалар; юнон (грек) тилидан кириб келган **«антология»**, **«библиография»**, **«биография»**, **«гимн»**, **«драма»**, **«идеал»**, **«метод»**, **«монолог»**, **«поэзия»**, **«поэма»**, **«фантазия»**, **«диаграмма»** ва бошқалар шулар жумласидандир.

Янги фан-техника тармоқларининг ривожи, техниканинг тараққиёти, саноат тармоқ технологиясининг ўсиши ва янги техникавий атамаларнинг келиб чиқиши табиий ҳолдир. Ҳозирги кунда фанда ўз ўрнини топган қатор техникавий атамалар инглиз, немис, француз, поляк, қозоқ, ўзбек, тожик ,қирғиз, туркман ва бошқа тилларда бемалол ишлатилиши ҳаммамизга аёндир. Жумладан — **«Вектор»**, **«скаляр»**, **«момент»**, **«функция»**, **«тензор»**, **«циркуляция»**, **«градиент»**, **«потенциал»**, **«оператор»**, **рекалсация»**, **«диссертация»**, **«мембран»**, **«атом»**, **«протон»**, **«молекула»** ва ҳоказолар.

Ҳозирги кунда фойдаланиб келаётган атамаларимизга араб сўзларининг кириб келиши арабларнинг VII—VIII асрларда Ўрта Осиёни босиб олиши билан чамбарчас боғлиқдир.

X—XII асрларда туркий тиллар ўзбек тилининг ривож топишига асос бўлди. Шу йўсинда ўзбеклар истиқомат қилган минтақаларда турли хил элатлар чатишуви ва аралашуви натижасида тилларнинг ривожи авж ола бошлади. Шу даврларда туркий тиллар, яъни эски ўзбек тили тараққий эта бошлади. Бу ҳақида Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» ва Аҳмад Югнакийнинг «Хибатул Ҳақойиқ» асаридан кенг маълумотлар олиш мумкин.

Шундай жараёнлар асосида янги атамалар, тиллар вужудга кела бошлаган. Чигил тили асосида эски ўзбек адабий тили вужудга кела бошлаган. XV асрда Чиғатой тили ҳам қўллланила бошлади. XVI асрда икки буюк дарё ўртасидаги Моворoуннаҳрдаги туркий аҳолига, яъни ўзбекларга кўчманчи ўзбек қабилалари қўшилгандан кейин бу минтақалардаги халқ ўзбек, деб номланган. Шундан сўнг мустақил ўзбек тили мужассамлашиб борди.

Ўзбекистон Вазирлар Кенгашининг 1989 йил 26 декабридаги фармойиши ҳамда жумҳурият Фанлар академияси раёсатининг 1990 йил 15 майдаги қарорига мувофиқ жумҳурият атамашунослик қўмитасининг техника фанлари бўлими «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Техника бўлими жиддий ишга киришди, жумладан, икки тилли, изоҳли ва қомусий луғатларни тайёрлаш, нашрга тавсия этишни режалаштирди. Бу муҳим вазифани амалга ошириш учун жумҳурият олий ўқув юртлари, Фанлар академиясининг илмгоҳлари раҳбарлари билан келишилган ҳолда атамалар луғатини тузишга лаёқатли барча мутахассисларни танлаб, техника бўлими ходимларининг 60 кишидан иборат таркиби тасдиқланди.

Атамашунослик қўмитаси техника фанлари бўлими йиғилишлари мунтазам ўтказилиб турилибди. Йиғилишларда профессор А. Ҳамидовнинг «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилаётган китобига тааллуқли атамалар луғати, профессор А. Каримовнинг политехника луғати лойиҳаси, марҳум А. Тўраҳонов ва профессор Н. А. Мўминовларнинг «Металлшунослик ва машинасозликдан русча-ўзбекча атамалар луғати», профессор С. Қодировнинг «Автомобиль йўллари русча-ўзбекча атамалар луғати», ССЖИ авиация саноати вазирлиги, Ўзбекистон пахта тозалаш ускуналари ишлаб, чиқариш бирлашмасининг матнлари кўриб чиқилиб, тасдиқланди.

Атамалар луғатини ишлаб чиқиш жараёнида муаммолар кўндаланг бўлиб қолаяпти. Айрим муаллифларимиз ҳар нима бўлса ҳам фақат «соф ўзбек атамасини» қидириб топишга ва уни тавсия этишга уринмоқдалар. Умуман бундай ташаббусни қўллаб-қувватласа ҳам бўлади, бироқ бу йўлдаги хавф-хатарни албатта инобатга олишимиз ва ҳар бир атамани халқ тилига, онгига сингишини эътибордан чиқармаслигимиз керак.

Шундай қилинмас экан, атамалар луғатини ишлаб чиқиш миллий ҳис туйғуларини нотўғри жилғадан кетиб қолишига олиб келиши, яхшилик билан бошланган иш жаҳолатга айланиши мумкин.

Шу сабабли «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарияти жумҳурият атамалар қўмитаси, қомуси ходимлари билан биргаликда атамашунослик бўйича мўлжалланган иш режаларига, кибернетика фанининг муҳим иш режаси сифатида, уни бажаришда қатнашаётган мутахассисларни эса кибернетика бўйича илмий тадқиқот иши бажараётган мутахассис сифатида қаралишига қарор қабул қилди.

Қўмита ўз олдига қўйган режаларни амалга ошириш учун унга моддий ёрдамни кучайтириш, штатларни кўпайтириш керак... Қўмита қошидаги турли хил фанлар соҳасидаги бўлимлар ҳозирча жамоатчилик асосида иш олиб боришаяпти. Ушбу фидойилик узоққа чўзилмаса керак. Шунинг учун ҳар бир бўлимда ҳеч бўлмаса маошли илмий котиб лавозими киритилса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бундан ташқари ҳар бир тайёрланаётган атамалар луғати қўмита кўрсатмасига мувофиқ беш банддан иборат шартни ўз ичига олган тақриз билан ҳимояланиши керак.

Атамалар тараққиёти ва уни ишлаб чиқиш масалаларига илмий жиҳатдан ёндашиб, шу соҳада аспирантура очиб илмий ходимларни тайёрлаш масаласини жумҳурият Фанлар академиясида махсус масала қилиб қўйиш ҳаёт тақозосидир.

Ҳ. УСМОНХЎЖАЕВ,
жумҳурият Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, атамалар қўмитаси техника бўлимининг бошлиғи.

Н. МЎМИНОВ,
Кибернетика илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари, атамалар қўмитаси техника бўлими бошлиғининг ўринбосари, техника фанлари доктори, профессор.

Бу фильмнинг номи жуда дабдабали: у даставвал кинотеатрларда ширкат баҳода (бир киши учун 2 сўм) «Сукут кодекси» номи билан намойиш қилинди. Яқинда эса, картинанинг телевизион кўриниши Марказий ойнаи жаҳон орқали «Ойнинг орқа томони» номи билан қўйилиб, тўрт кеча мамлакат киномухлисларини «ўзбек мафияси» билан даҳшатга солиб турди. Ҳа-ҳа, энди, фильм бутун мамлакатда кенг намойиш қилингандан сўнг «пахта иши», «рашидовчилик», «ўзбек иши» каби атамалар қаторига «ўзбек мафияси» деган бироз совуқ, аммо ўзига тортар атама пайдо бўлса, ажаб эмас.

Тўғрисини айтиб қўя қолай, бу картина менда норозилик ва нохушлик уйғотди. Фильм ижодкорлари (режиссёр З. Ройзман, сценарий автори Г. Вайнер, тасвирчи Л. Травицкий) ўзлари билиб-билмай яна ўша, номлари юқорида тилга олинган атамалар авторлари тегирмонига сув қуйдилар. Энди улар «мана кўрдингизми, қўшиб ёзишлар, мисли кўрилмаган адолатсизликлар, гиёвандлик ва шу каби қатор-қатор иллатлар (мафия) Ўзбекистонда аввалдан, «турғунлик йилларидан» буён мавжуд эканлигини «ўзбек киночилари»нинг ўзлари ҳам тан оладилар-ку» дейишлари турган гап.

Шуниси даҳшатлики, бу «ҳақиқатдан» фильм муаллифлари ҳам кўз юммайдилар. Улар ҳатто мафия «ўчоғи»нинг аниқ номини ҳам тилга оладилар. Фильм сценарийси муаллифи Г. Вайнернинг «Экран янгиликлари» ҳафтаномаси 44-сонида (русча кўриниши) айтган мана бу сўзларига эътибор беринга: «..Биз фильмимизда воқеалар бўлиб ўтган жойнинг номини аниқ атамаган бўлсак-да, аммо гап Жиззах деб аталган шаҳар ва вилоят тўғрисида бораётгани аниқ. Бу вилоятнинг тақдири афсонавий: у қадимдан мавжуд бўлган маъмурий харитада атайлаб ўртоқ Рашидов учун ажратиб олинган. Бу ер унинг Ватани. Кўп йиллар давомида инсон тажрибаси, онги, меҳру-муҳаббатига қарши ўлароқ, шундай жой мавжуд бўлиб келди. Бу ерда — кимсасиз саҳрода ҳеч бир қулайликларсиз кўпқаватли бинолар, автомашиналар йўқ бўлгани ҳолда, зарур бўлмаган замонавий йўллар қуриб ташланаверди. Миллионлаб одамлар, ўзлари хоҳламаган ҳолда, жиноий ҳаётга йўналтирилган эди,

«Яшасин, подполковник Тўра Каттани!»

Улар пора бермай туриб боласини боғчага жойлаштира олмас, таниш-билиш топмай туриб озиқ-овқат сотиб ололмас, афъюн (бакшиш) топиб бермасдан туриб тиббий ёрдам олишни хаёлига ҳам келтириша олмасди.

Буларнинг ҳаммаси, охироқибатда шунга олиб келдики, жамият, одамлар ўз тинчлиги, хавф-хатарсизлигини ҳимоя қилишни ишониб топшириб қўйган кишилар — ҳақ-ҳуқуқ посбонларининг ўзлари ўта хавфли мафия гуруҳини ташкил қилдилар. Улар афъюн етиштириш, уни жойларга етказиб, сотишни амалга оширдилар. Бу ишга қарши чиққанлар эса, ишидан, яшаётган жойидан ва ҳатто ҳаётидан ҳам маҳрум бўлишга маҳкум эдилар...»

Мана сизга «кашфиёт». Биз бўлсак аҳмоқ бўлиб Сицилия мафияси, Колумбия афъюнзорлари, афғон қорадорифурушлари ҳақидаги маълумотлардан ҳайратга тушиб юрибмиз. Ахир буларнинг ҳаммаси узоқ бир чет мамлакатда эмас, ўзимизда, шундайгина ёнимизда — Жиззахда экан-ку!


«Ойнинг орқа томони» картинасининг бадиий савияси ҳақида кинотанқидчилар ўз фикрларини билдиришар. Мен бўлсам, бир оддий томошабин сифатида бу «асар»дан олган таассуротимни қоғозга тушираяпман. Фильмдаги ур-йиқитлар, бўлар-бўлмасга одам ўлдиришлар, қамоқдан чиқиб келиб, яна шоҳона ҳаёт кечираётганлар, нақ ички ишлар бошқармасининг биносида рўй бераётган турли жиноятларни кўрган, бунинг устига Г. Вайнернинг биз юқорида келтирган сўзларини ўқиган москвалик, ленинградлик, киевлик... томошабин нима деб ўйлайди.

Ўзбекнинг «порахўр», «ваҳший» деб ном олгани устига, энди «қорадорифуруш» бўлиб танилиши қолувди. Ваҳоланки, Ўзбекистондан ташқарида юрган ҳамюртимизни кўрганлар ушбу фильмдан кейин, уларнинг деярли ҳар бирида афъюнсотарни, йўлхалтасида эса қорадорини кўриши эҳтимолдан холи эмас.

Яхшиям, подполковник Тўра Саматов бор экан. У машҳур комиссар Каттани ўн беш серияли фильмда амалга ошира олмаган ишни тўрт серияда бажариб ташлади. «Ўзбек мафия»сининг пайини қирқди. Демак, одамларда хавфсираш учун асос йўқ. Демак, яшасин, подполковник Тўра Саматов!

Худойберди КАРИМОВ,
журналист.
Жиззах.

Саломатлик клуби



ХИТОЙ ХАЛҚ ТАБОБАТИ ТОШКЕНТДА

Тошкентда Хитой анъанавий табобати ва доришунослик поликлиникасининг очилишига озгина вақт қолди.

Бундай табобат масканини очишнинг ташаббускори Афғон ветеранлари иттифоқининг Ўзбекистон жумҳурият бўлими бўлиб чиқди. Яқинда Хитой вакиллар гуруҳи Тошкентга келди. Мақсад — жумҳуриятимиз пойтахтида янги Хитой анъанавий табобат ва доришунослик поликлиникасини ташкил этиш бўйича ўзаро шартномани имзолашдан иборат.

Меҳмонлар орасида таниқли Хитой шифокори, Цзилинь вилоятидаги Хитой халқ табобати ва доришунослик илмий-текшириш олий билимгоҳи директорининг ўринбосари, профессор Ван Цинвэнь, Хитой Халқ Жумҳуриятининг дори-дармон ва соғлиқни сақлаш маҳсулотлари импорти ва экспорти бўйича Цзилинь компанияси вакили Фу Вэйцзюнь, вилоят халқ ҳокимияти ташқи ишлар бошқармаси жамоат саломатлиги бюроси директори Хао Цзюлилар бор эди. У ССЖ соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Қ. Т. Ризаев билан учрашиб, ҳамкорлик йўллари ҳақида суҳбатлашдилар.

Икки оғиз янги шифо маскани ҳақида: бу ерга даволанишга муҳтож бўлган барча хоҳловчи кишилар мурожаат қилишлари мумкин. Хитойлик мутахассислар ҳозирнинг ўзидаёқ зарур жиҳоз ва табобат воситаларини ҳозирлаб қўйдилар. Жумҳурият соғлиқни сақлаш ташкилотларининг қарорига кўра, Хитой табобати маркази Тошкентдаги Собир Раҳимов ноҳиясининг 9-поликлиникасида манзил топади.

СУРАТЛАРДА: хитойлик таниқли шифокор, профессор Ван Цинвэнь Тошкентдаги 46-ҳунар-техника билим юрти ўқувчиси Шаҳло Усмонова (чапда) ҳамда собиқ афғончи Валерий Кривочкинга муолажа бераётган пайт.

С. ВЕЛИЧКИН олган суратлар.

(ЎзТАГ мухбири).



ХАЙРИЯ

Бухорода хайрия мақсадларида кимошди савдоси ва ярмарка савдо-сотиғи бўлиб ўтди.

«Прогресс», «Элегант», «Сюрприз» ширкатлари ҳамда бошқа ташкилотлар ва корхоналар унинг ҳисобига тўрт минг сўмдан кўпроқ пул ўтказдилар. Кимошди савдосининг ўзида яна 6 минг сўм пул ишланди. Бу маблағларнинг ҳаммаси ижтимоий кўникиш кенгашлари, профилактика жамғармаси ва жиноятлардан жабр кўрганларга ёрдам бериш жамғармаси ўртасида тақсимланди.

(ЎзТАГ мухбири).

ТВ

22 ДЕКАБРЬ — ШАНБА

● **ЎзТВ I**

8.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

* * *

9.00 «Соҳил». Бадиий фильм. 1-серия («Мосфильм»). 10.10 «Нур таратувчилар». ГОЭЛРО планининг 70 йиллигига. 10.40 «Дўст билан обод уйинг». Адабий кўрсатув. 11.20 «Бобур». Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи асосида кўп серияли видеофильм. 2-қисм (такрор.). 12.40 «Деҳқон ва замин». 13.40 «Қувноқлар ва зукколар...» Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия олий билимгоҳининг «Пахтакор» ҳамда Тошкент педиатрия-медицина олий билимгоҳининг «Келажак» командалари учрашадилар.

Тижорат кўрсатувлари

14.55 «Оқ йўл!». Жиззах шаҳридаги 2517-автокорхона фаолияти ҳақида. 15.25 «Илғор тажриба мактаби». Сурхондарё вилояти Сариосиё ноҳиясидаги «Ленинизм» жамоа хўжалиги ҳақида.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Жасур чигиртка», «Комариль». Мультфильмлар. 18.45 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.20 «Шеърият дафтаридан». Жўра Алимардон. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Жумҳурият Ленин комсомоли мукофотининг совриндорлари — Маҳмуд Азимов, Муҳаммад Юсуф. 20.30 «Ҳафтанома». 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Бобур». Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи асосида кўп серияли видеофильм премьераси. 3-қисм. 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● **МТ I**

7.00 «120 минут». 9.00 «Онам, дадам ва мен». Бола икки ёшга тўлганда. 9.30 Жаҳон халқлари ижоди. 10.15 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 11.15 «Бурда моден» таклиф этади...». 11.45 Экран усталари. «Клод Ланцманнинг бешафқат ҳақиқати». 13.00 «ЭҲМ ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси таништиради: «Ғоя қанча туради». 13.45 «Партнёр». 14.15 «Ер — она масканимиз». Фотоконкурс. 14.20 «Жаҳон бозорлари» (Франция — Англия). Ҳужжатли фильм премьераси. Биржага қайтиш («А» студияси). 15.20 Режиссёр Я. Фрид фильмлари. «Ўн иккинчи кеча» («Ленфильм»). 16.55 Шеърият лаҳзалари. 17.00 Флоридада «Бахтли тасодиф». 18.10 «Халқаро панорама». 18.45 «Бўхча». Мультфильм. 19.00 «Воситачи». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1ва 2-сериялар (М. Горький номли киностудия). 21.30 «Вақт». 22.00 ССЖИ ҳукуматида. 22.10 Катталар учун мультфильмлар: «Тулки —қурувчи», «Ҳажвиялар». 22.35 Россиянинг парламент хабарномаси. 22.50 «Маппет-шоу». Кўп серияли телевизион қўғирчоқ фильм-концерт премьераси. 23 ва 24-сериялар. 23.40 «ТСН». 23.55 «Монте-Карло Бутунжаҳон мусиқий соврини».

Муштарий таклиф қилади

МАЪНАВИЙ ҲУҚУҚ

Мактаб ўқувчилари ўртасида турли фанлар бўйича ўтказиб келинаётган олимпиадалар билим олишга қизиқувчан ўқувчиларни аниқлаш ва уларни рағбатлантиришга маълум даражада кўмаклашиб келяпти.

Ўқувчи ёшлигидан бошлабоқ бадиий асарни кўп ўқиса мукаммал шаклланиб боради. Шуни назарда тутиб, китобхонлик бўйича ҳар бир синфда олимпиада ўтказишни жорий қилиш зарур деб ҳисоблайман.

Бу бошқа фанлар қатори I-II-III ва ҳоказо. турларидан иборат бўлади. Бунда, иштирок этаётган ўқувчи ўқиб чиққан бадиий адабиётлар рўйхатини ҳакамлар ҳайъатига топширади. Учта ёки ундан ортиқ кишидан иборат ҳайъат аъзоларининг ҳар бири ўқувчига ўқиб чиққан китоблари бўйича биттадан савол беради. Ўқувчининг ўша асарга ёки асар қаҳрамонларига шахсий муносабатини сўрайди. Ўқувчи жавобни ёзиб топширади. Ҳар бир ҳакам алоҳида баҳо қўяди. Ҳамма тур шу тартибда ташкил этилади.

Юқоридаги услубда «Китобхон» олимпиадасини ўтказиб, вилоятларда биринчи ўринларни эгаллайдиган, энг кўп бадиий асар ўқийдиган ўқувчилар битирувчи синфдан бўлса олий ўқув юртларига имтиҳонсиз қабул қилишни йўлга қўйиш керак. Чунки, кўп асар ўқийдиган ўқувчи ўз-ўзидан олий ўқув юртига кириш учун маънавий ҳуқуққа эга бўлиб, қолади. Сабаби, уларда олий ўқув юртларининг асосий талаби — китобга муҳаббат руҳи пайдо бўлган бўлади.

ЮСУПОВ Турсунали Мамасиддиқ ўғли,
Фарғона вилояти, Риштон ноҳиясидаги Фурқат номли мактаб ўқитувчиси.

Ёшлар ва қонун

БЎЛАР БОЛА БОШИДАН...

Бугунги кунда «болалар томонидан жиноят содир қилиш ўсиб кетаяпти» деган гаплар тез-тез такрорланмоқда. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Лекин қандай қилиб бу касалликнинг олдини олса бўлади? Айтайлик, сиз ишдан чарчаб уйга кетаяпсиз. Кўчадами ёки автобусдами биттами, бир гуруҳ болалар ми, кимнингдир чўнтагига тушди ёки бегуноҳ бир кимсани мазаҳ қилиб унга тан жароҳати етказишди. Ўша ернинг ўзида безори болага танбеҳ беришга ёки бирорта чора кўришга ҳар ким ҳам ботина олмайди. Жабрланувчи ўша дамда қанчалар ёрдамга муҳтож эканлигини билиб туриб билмасликка оламиз. Бунинг устига нолиб ҳам қўямиз: «Одамлар орасида меҳр-оқибат қолмади», деб. Атрофдагиларнинг лоқайдлигини кўрган бола эса ўзини эркин ҳис қилиб юраверади-да.

Ушбу воқеадан кейин айримлар орасида «худога шукур, менинг болам юввош» деб ўзига ўзи таскин берадиганлар ҳам топилади. Эҳтимол, бу безори боланинг ота-онаси ҳам шундай фикрдадир. Чунки, аксарият безори болалар уйида «одобли бола» бўлиб юрадилар.

Мана бир мисол. Ўн олти ёшли Бахтиёр Пўлатов онасини жуда ҳурмат қилар, укалари олдида отаси йўқлигини сира билдирмасликка тиришарди. Кунларнинг бирида милиция ходими унинг уйига келиб ўғли жиноят содир қилганини айтганида онаси бу гапларга ишонмади. Англашилмовчилик бўлган, деб тушунди. Яна бир мисол. Бунинг отаси жумҳурият миқёсидаги бир идоранинг раҳбари. Ўғлининг кўчада безорилик қилгани ҳақида унга хабар қилганларида у инспекторга дўқ уришдан ҳам уялмади. (Тергов ишлари тугамаганлиги сабабли бу йигитнинг исмини аниқ ёзмадик).

Бу ҳар иккала мисол ҳам безорилик билан боғлиқ бўлиб куппа-кундузи одамлар кўз ўнгида содир бўлган. Уларни эса кейинчалик милиция ходимлари қидириб топишган. Афсуски, бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин.

Яна бир тоифа ота-оналар эса боласининг қилмишларини ижтимоий адолатсизликдан, деб биладилар. Тўғри, яширишнинг ҳожати йўқ. Жумҳуриятимизда ҳали ечимини тополмаётган ижтимоий, иқтисодий муаммолар кўп. Лекин барибир гўдаклигидан тўғри тарбия олган болани қинғир йўлга ҳеч нарса мажур қила олмайди.

Тўғри, шўро қонуни, айниқса, балоғатга етмаган ёшларга нисбатан жуда шафқатли. Кўп ҳолларда жиноят содир қилган бола тарбия меҳнат колониясига юборилмай, у шартли равишда озодликдан маҳрум қилинади, ёхуд жазони маълум муддатга кечиктирадилар. Амалдаги қонунга биноан шу муддат ичида тартибни бузмаганлар жазодан озод қилинади. Минг афсуски, ҳар доим ҳам шундай бўлавермаяпти. Йил бошидан буён Тошкент шаҳрининг ўзида халқ судлари томонидан қўйилган мажбуриятни бажармаганлари учун 20 нафар ўсмир жазони ўташ учун колонияларга юборилган. Шулар орасида биз юқорида қайд этган Бахтиёр ҳам бор.

Бундай хунук аҳволнинг янада кучайиб кетишида биз катта ёшдагиларнинг ҳам айбимиз катта, албатта. Ҳамонки, шундай экан бизлар ҳар қадамда, ҳар бир болани ўз фарзандимиздек кўриб, уларга нисбатан раҳмдил ҳамда қаттиққўл бўлсак, ёшлар хушёр тортиб атрофга сергакланиб боқадилар. Бу эса биз катта ёшдагиларнинг қарзимиз, ҳам жамият олдидаги бурчимиздир.

М. МИНАВАРОВ,
Тошкент шаҳар, Сирғали ноҳия ички ишлар бўлими балоғатга етмаганлар иши бўйича инспекциясининг инспектори, милиция лейтенанти.

Адиб билан учрашув

Сирдарё муаллимлар олий билимгоҳида сўз усталари билан туркум учрашувлар ўтказиш режалаштирилган. Ана шундай учрашувларнинг бирига адиб Шукур Холмирзаев келди. У адабиёт оламига кириб келганига 30 йилдан кўпроқ вақт бўлди. Шу даврда бир қанча ҳикоялар ва қиссалар тўпламларини китобхонларга тақдим этди. Ёзувчи «Сўнгги бекат», «Қил устидаги ҳаёт», «Йўловчи» романларини ҳам ёзди. У драматург сифатида ҳам халқ орасида машҳур бўлди — пьесалари кўпгина театр саҳналарида қўйилган.

Адибнинг толиблар билан учрашуви кунларимизнинг муаммолари, маънавийлик ва ҳалоллик, қилинаётган хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қизғин суҳбатга айланиб кетди. Суҳбатда адиблардан Низом Комилов, Эркин Аъзамов, Усмон Азимов, Мирза Кенжабоев, Нодир Норматовлар ҳам қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Ярим аср саҳнада

Ўзбекистон ССЖ халқ артисти Тиллахон Латипова М. Уйғур номли Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрига ўзининг ярим асрлик умрини бағишлади. У урушдан олдинги йили Лоҳутий номли Тошкент билим юртини тугатгандан сўнг худди шу театрга келган эди. Шу йиллар мобайнида санъаткор Ҳамза, Яшин пьесаларида, рус ва хорижий ёзувчиларнинг, замонавий шўро муаллифларининг саҳналаштирилган асарларида юз элликтага яқин роль ижро этди.

Театрда Тиллахон Латипованн тантанали равишда табрикладилар. Ҳамкасб ўртоқлари, вилоят ва шаҳар жамоатчилигининг вакиллари уни саҳнадаги ярим асрлик фаолияти билан қизғин табрикладилар, кечани ҳақиқий байрамга айлантирдилар. Театр артистлари Т. Латипова турли йилларда ўйнаган спектакллардан саҳналар кўрсатишди.

(ЎзТАГ).

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец»
орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА 32-56-58.
ХАТЛАР БЎЛИМИ 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Д. — 28639